Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 11 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 87 (7083)

Da'vat

«Маърифат» газетасига обуна бўлинг!

Ibrat

Наманган вилоятининг фаол фахрий педагогларига «Маърифат» газетаси бепул борадиган бўлди. Улар учун вилоят халқ таълими ходимларининг фахрий педагоглар кенгаши томонидан 90 минг сўм маблағ ажратилди.

Ибратли хайр!

АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда қонун устуворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароити яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадидир.

Президент Ислом Каримовнинг 9 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида барча саъй-ҳаракатларимизнинг мазмун-моҳияти бўлган ана шу масалаларга яна бир бор жиддий эътибор қаратилди.

Яқиндагина халқимиз шу муборак заминда улуғ бобомиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлади, деди Президент. У зоти шарифга бағишланган ёдгорлик мажмуи очилди. Эртасига юртимизнинг қадимий ва сўлим Фарғона вилоятида халқимизнинг яна бир буюк ўғлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусчи олим Аҳмад ал-Фарғоний хотирасини ёд этиб тантаналар ўтказдик. Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад - муқаддас Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини тиклаш, дунё илм-маърифат, маънавият аҳли диққатини эл-юртимизга қаратишдан, бу улуғ заминда камол топган аждодларимизни улуғлашдан иборатдир.

Самарқанд нафақат ўзининг буюк тарихи ва боқий ёдгорликлари билан дунёга танилган, балки бугунги салоҳияти ва маданияти, авваламбор меҳнаткаш, меҳмондўст, ор-номусли халқи билан дунёга машҳурдир. Самарқандни дунё тараққиётининг бешиги деб бежиз айтишмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кўп ўзгаришлар рўй берди, дунё микёсида давлатимизнинг мавқеи янада мустаҳкамланди. Самарқанд халқи ҳам ана шу олижаноб ишларга ўз улушини қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, вилоят иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш, рақобатга бардошли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хусусийлаштириш кўламини кенгайтириш, қурилиш, ободончилик, тарихий обидаларни тиклаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бу ерда «Самарқанд-Калифорния», «Самарқанд-Прага», «ЎзБАТ» қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. «Самарқанд Нейшнл Америка», «Новый камень», «СамКочавто» қўшма корхоналари эса иш бошлаш арафасида турибди.

Стадион, теннис корти, кардиология марказининг иккинчи навбати каби кўпгина иншоотлар қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Нафақат Самарқанд шаҳрининг ўзида, туманлар ва қишлоқларда ҳам ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ижобий натижаларга эришилди. Ўтган йили пахта тайёрлаш режаси, бу йил ғаллачиликда қўлга киритилган ютуқлар меҳрини ерга бериб ишлаётган ҳар бир деҳқонни, ҳар бир самарқандликни, бутун халқимизни қувонтиради.

Албатта, биз бу ижобий ишларни эътироф этиб, уларга муносиб баҳо берамиз. Чунки бу ютуқлар замирида халқнинг улкан меҳнати ётибди, дея таъкидлади Президент. Аммо бугунги учрашувимизнинг асосий сабаби - айнан уч йил олдин мана шу залда айтилган жиддий гапларнинг биз ишонч тайинлаган, сайлаган раҳбарият эътиборидан четда қолиб кетиши, бугун вилоят ҳаётида рўй бераётган номақул ўринишлар, баъзи ютуқлардан мағрурланиб, амалда ўтирганларнинг боши айланиб, оёғи ердан узилиб қолгани ва аҳолининг салбий ҳолларга нисбатан эътирози кучайиб бораётгани бўлди.

Президент нимани назарда тутмоқда?

Йўлбошчимиз ўшанда вилоятнинг янги сайланган биринчи раҳбарига, вилоятни билиши, шу ерда туғилиб ўсгани, катта бўлгани, эл-юртнинг тузини егани, тажриба ва билими етарли эканини айтиб, буларнинг ҳаммасини шу элнинг тинчлигини, халқнинг ҳаётий эҳтиёжларини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтириши ва бу йўлда фидоий бўлиши лозимлигини, соғлом муҳит - соғлом ҳаётнинг гарови эканини таъкидлаган эди.

Вилоят ҳаётида маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатларга барҳам бериш, йўл қўймаслик ҳақида уқтириб, алоҳида огоҳлантирганди.

Амалда нима бўлди? Шу қисқа вақт мобайнида 11 нафар шаҳар ва туман ҳокими, кўплаб вилоят ташкилоти раҳбарлари вазифасидан озод этилди.

Биров ишда хато-камчиликларга йўл қўйгани, эгаллаб турган лавозимини суиистеъмол қилгани, вазифасини уддалай олмагани ва шунга ўхшаш бошқа сабаблар билан ишдан олинса, бунга ҳеч ким қарши эмас. Аммо лавозим «буюртма» билан аниқ «шахс» учун бўшатилса, бу шахс ҳам раҳбарга қарашли бўлса, қариндошлиги, ошна-оғайнилиги, уруғ ёки келиб чиқишига қараб танланса, бундай адолатсизликка ким чидай олади?!

Биз ёш, қобилиятли кадрларнинг йўлини очиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш ҳақида кўп гапирамиз. Самарқандда эса 21 нафар шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарларидан 2 нафари, 289 хўжалик раҳбаридан 52 нафари 40 ёшгача бўлган кадрларни ташкил этади, холос. Шундай экан, ёшлар ғайрати, шижоати, қобилиятига эътибор, вилоятда ишга замонавий ёндашиш ҳақида нима дейиш мумкин?

Кадрларни танлашда уларнинг қобилияти, имконияти ҳисобга олинмагани туфайли лавозимларга тасодифий шахслар келиб қолган. Улар ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунмайди, эскича иш услубларидан воз кеча олмайди. Натижада улар бошқарган корхона инқирозга юз тутади. Ўша корхонада ишловчиларнинг тақдири нима бўлади?

Вилоятдаги 231 та корхонанинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганда, уларнинг 92 фоизи инқирозга учрагани аниқланган. Шу корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан эса чора кўрилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Президент маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчиликни ҳаётимизга, тараққиётимизга хавф солаётган тахдидлардан бири деб атаган эди. Афсуски, Самарқанд вилояти мисолида ана шундай ҳодисаларга дуч келиб турибмиз.

Вилоят ҳокимининг кўмагида унинг яқин қариндош-уруғларини бошқарув тизимидаги идораларда масъул лавозимларга тайинлаш авж олган.

Ички ишлар бошқармаси раҳбарларининг муросасозлиги туфайли вилоят ҳокими А.Мардиевнинг укаси Олим Султонов Нарпай туман ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, опасининг ўғли Собир Тошниёзов Каттақўрғон туман ички ишлар бўлимининг Давлат автомобиль назорати бошлиғи, яқин қариндоши Ғофур Тошниёзов Иштихон туман прокурори лавозимларида ишлаб келганлар.

А.Мардиевнинг қудаси Фарида Зиёмуҳамедова вилоят меҳнат биржаси бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Вилоят давлат солиқ бошқармасининг собиқ раҳбарлари ҳокимга лаганбардорлик қилиб, унинг яқин қариндошларидан Ю.Санаев, Ғ.Тошниёзов, А.Султоновларни Каттақўрғон тумани солиқ инспекциясининг масъул лавозимларига ишга қўйганлар.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимининг яқинлари И.Қодиров вилоят Марказий банки бошқарувчиси, Х.Бобомуродов эса Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани ҳокими лавозимига тайинланган. Бунга ўхшаган яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Бу вилоятда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик иллати чуқур илдиз отганини кўрсатиб турибди.

Биз бу муаммонинг нақадар мураккаб ва хавфли эканини тушунишимиз, дарҳол унинг олдини олишимиз зарур, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Чунки бу йўлга кирган раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи ердан узилади. Энг ёмони, раҳбарларга нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишончи йўқолади. Бундай жамиятдан барака кетади, иш юришмайди, аҳоли ўртасида турли тортишувлар ва норозиликлар пайдо бўлади.

Дарқақиқат, бундай муҳитда раҳбарга яқин бўлган, ишонган, суянган кадрлари бир-бирларини қўллаб-қувватлайди, содир бўлган қонунбузарлик ва жиноятларни яширади. Жамиятда адолат йўқолади. Бундай ҳолда халқ арз-додини, фарёдини кимга айтиши керак?

Вилоят давлат аппаратининг ўзагини лаёқатсиз, сиёсий савияси паст, аҳлоқий жиҳатдан нопок, аммо, раҳбарнинг ишонган оғайнилари, эски қадрдонлари, бир ҳовуч лаганбардор кимсалар ташкил этса, одамлар эътиродини кимга айтиши мумкин?

Бундай ҳол хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, давлат ва жамоат мулкини талон-тарож этиш учун қулай шароит яратади.

Жумладан, вилоят ҳокимининг узоқ йиллик оғайниси - вилоят давлат божхона бошқармасининг собиқ бошлиғи А.Примов лаганбардорлик ва тилёғламалик билан Алишер Мардиевнинг пинжига кириб, хизмат фаолияти даврида сурункали равишда қонунбузарликларга йўл қўйиб келган.

Аҳвол шу даражага бориб етганки, А.Примов Мардиев учун унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бўлган мулоқотларида воситачи ролини ўйнай бошлаган. Ҳозир у хизмат фаолиятидаги жиддий нуқсонлари учун лавозимидан озод қилинган ва унинг ҳаракатлари тегишли идоралар томонидан текширишдан ўтказилмоқда ва натижаларга кўра ҳуқуқий баҳо берилади.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Т.Муродхўжаев ҳам А.Мардиевга яхши кўриниш мақсадида унинг яқин қариндошлари ва ошна-оғайнилари ининг қонунсиз ҳатти-ҳаракатлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида ўзига хос қалқон вазифасини ўтаб келган.

Асосий вазифаси вилоятда қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлашдан иборат бўлган Т.Муродхўжаевга, уни қўлга олиш мақсадида, коррупциялашган кимсалар давлатга қарашли болалар боғчасини бериб қўйганлар ва унинг ўрнида данғиллама шахсий уй-жой қуриб берганлар. Оғзи мойланган «ҳуқуқ посбони» эса уларнинг давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилишлари билан боғлиқ найрангларига панжа орасидан қараб келган.

Айни пайтда Т.Муродхўжаев ҳам лавозимидан озод этилиб, жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Вилоят ҳокимининг энг тор даврасига собиқ раҳбар Раим Насимов ҳам киради. У давлат маблағлари эвазига нафақат ўзи учун, балки вилоятдаги қатор-қатор раҳбар ходимлар учун ҳам қонунсиз равишда уй-жойлар, шахсий-маиший иморатлар қуриб берган.

Амир Темур майдонини ободонлаштириш ишларидан фойдаланиб, уларнинг ҳисобидан вилоят раҳбарларига хусусий уйлар қуриб берилгани аниқланди. Охирги пайтларда Насимов билан Примовлар А.Мардиевнинг пинжига кириб, оғиз-бурун ўпишиб кўп бемаъни ишларга қўл урган.

Вилоят раҳбарияти билан яқин бўлганидан фойдаланиб, Насимов ўз ташкилоти номидан катта миқдорда тамаки ва пахта маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб чиқиш билан боғлиқ турли найранглар уюштириб, тушган жуда катта миқдордаги пул ва валюта маблағларини ўзининг яқин одамлари билан биргаликда ўзлаштирган.

Бу каби салбий ҳолатларни кескин танкид қилар экан, охирги вақтда, вилоят миқёсидаги кадрлар сиёсати, йирик иқтисодий-ижтимоий масалалар давлат идораларида эмас, А.Мардиевнинг иштирокидаги тўй ва базмларда, бошқа норасмий учрашув-йиғинларда ҳал қилинадиган бўлиб қолган, деди Президент. Таассуфки, кўпинча давлат маблағлари, ҳар хил ўғри-қаллобларнинг жиноий йўл билан топган маблағлари ҳисобига уюштирилган бу зиёфатларда А.Мардиевнинг гумашталаригина эмас, балки масъул раҳбар ходимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари ҳам фаол иштирок этишган.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12 банди) ва 102 моддаларига мувофиқ Эркин Маҳмудович Рўзиев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинланди, Алишер Мардиевич Мардиев ўз аризасига биноан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилди.**

• ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ҳамда ушбу ташкилот Ижроия Кенгашининг раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги делегация аъзолари қуҳна Самарқанд ҳамда қадим Бухоронга зиёрат қилганларидан сўнг, Парижга жўнаб кетдилар.

• Лондонда ҳар йили ўтказиладиган «Ўзбекистонда бизнес қилинг» мавзуидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов бошчилигида Ўзбекистон делегацияси қатнашди.

• **Кўп кунли кучли ёмғирлар оқибатида юз берган сув тошқини ғарбий Украинадаги юздан ортиқ шаҳарлар ва қишлоқларнинг уйлари ҳамда йўлларига катта зарар етказди.**

• **Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Россия ҳукуматига курд сепаратчилари ишчи партиясининг раҳнамоси Абдулла Оджаланга мамлакат ҳудудидан бошпана бермаслигини сўраб расман мурожаат этди.**

• **«Митч» кучли тўфонидан зарар кўрган Марказий Америкага Франция 90 тонна инсонпарварлик ёрдами юклари ортилган самолётни жўнатди.**

• **Исроил Бош вазири Б. Нетаняҳу Исроил-Фаластин муносабатлари кўриб чиқилиши мўлжалланган ҳукумат мажлисини номаълум муддатга кечиктиришга қарор қилди.**

Ўқитувчи ёш дафтарига

КОМПЬЮТЕР ҲАМ ОЖИЗЛИК ҚИЛДИ

Яқинда «Британия тиббиёт журнали»ўтказган тажрибаларининг натижасини эълон қилди.

Тажриба асносида юзлаб шифокорлардан ўзларининг исмлари ҳамда 26 та лотин ҳарфи ва рақамларини ёзиб бериш сўралди. Таассуфки, уларнинг хаттотлик санъати намуналарини ҳатто компьютер ҳам ўқий олмади.

ЎЗБЕКИСТОН ДИНОЗАВРЛАРИ – РЕКОРДЧИ

АҚШ, Англия, Швеция ва Ўзбекистон палеонтолог мутахассисларидан иборат экспедиция Ҳисор тоғ тизмаларининг ён бағрида дунёда энг йирик — «динозаврлар изи майдони»ни топишга муваффақ бўлдилар. Сурхондарё вилоятининг Хўжапўлат қишлоғидаги узунаси 300 метр келадиган бу «йўлак» Гиннеснинг рекордлар китобига кирди. Бу топилма Португалиядаги «Фотам мўъжизаси»дан икки марта ортиқ.

«РАНГИ ЗАРДИМ БОИСИ...»

Олимлар эътирофича, ўсимликларнинг баргларига қараб, унда қайси модда етишмаётганини аниқлаш мумкин. Мисол учун, азот етишмаса, барглар оч-яшил бўлиб сарғаяди ва тез тўкилади. Фосфор камлиги туфайли эса қизғиш-яшил ёки тўқ яшил рангга киради, сўнг деярли қуриб, қорайиб кетади.

СУЯК СЎРГАН ИСТЕЪДОД

63 ёшли чех физиги Лолек Закель ўзини Альберт Эйнштейннинг иккинчи хотинидан туғилган ўғли эканини маълум қилди. Маълум бўлишича олим бошқа фарзандли бўлишни истамаган ва гўдакни чақалоғи вафот этган Закель исмли аёл тарбиясига беришган.

Tezkor so'rov

ТАЪСИР ЭМАС, ХУЛОСА ЗАРУР

Мен Президентимизнинг сессияда сўзлаган нутқини тинглаб, ҳаётда ҳали поёнига етмаган баъзи фикрларимга хулоса ясадим. Аввало айтишим керакки, раҳбар бўлиш учун билимдан, тажрибадан ташқари унга қобилият, уқув, сирасини айтганда, раҳбарлик иқтидори зарур экан.

Президентимиз нутқи давомида «Нафс дегани ҳам шунча буладими?» каби сўзларни қўйиниб гапирдилар. Ростдан ҳам нафсга эрк берилса бундан-да, яъни Самарқанддаги салбий оқибатлардан ҳам ёмонроқ ҳолатларга олиб келиши муқаррар. Айниқса, раҳбарнинг кўзи оч бўлса...

Бундан уч-тўрт ой илгари Қашқадаредаги вазиятларни кўриб қанча таъсирланган эдик. Лекин хулоса қилмаган эканмиз. Йўқса Самарқанд раҳбарлари бундай ҳолатга тушиб қолмасди.

Ва яна бир нарсани унутмаслигимиз лозим. Юртбошимиз, ҳамма умидларимиз рўёби ёш авлодга боғлиқ, деган фикрни яна бир бор таъкидлади. Бу биз учун юксак маъсулият. Буни оқламоғимиз даркор.

З. Алибеков,
ТошДУ талабаси

ЭЛ НАЗАРИДАН ҚОЛГАН ЁМОН

Президентимизнинг Самарқандда халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияда сўзлаган нутқини телевизор орқали эшита туриб, ғоят таъсирландим. Эртаси куни кўчага чиқиб, Президентимиз нутқини қўпчилик тинглагани гувоҳи бўлдим. Улар «Каримов элим деб жон куйдираяптию, аммо негадир ўрта бўғиндагиларни ўрнидан қўзғатиб бўлмаяпти», «Каримов сўзларини тинглаб, кўзларимга ёш келди», «Самарқанд шаҳар ҳокими айтганларини ҳеч ақлга сиғдириб бўлмайди» сингари мулоҳазаларини эшитдим.

Кўрдингизми, халқ фикрлаяпти. Президентимиз сиёсатини маъқуллаётир. Менинг амалдорларга айтадиган гапим шу: «Эл ичига кириб боринглар, дардини эшитинглар. Эл-юрт дуосини олинглар, юзингиз шувут бўлмайди».

Н. ЙЎЛЧИЕВА,
нафақахўр

АНДИШАНИНГ ОТИ НИМА?

Утган куни республика телевидениеси орқали Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессия жараёни берилганда, мени ғайриоддий даҳшат қамраб олган эди. Наҳотки, ишонган тоғда кийик ётмас деганлари рост бўлса?! Бутун бошли вилоят аҳли келажагини, тақдирини ишониб топшириб қўйган одамидан наҳот шунча хиёнат кўрса!

Шу ўринда бир ўй мени қийнайди. Бировнинг айбини айтиш, очиб ташлаш у ёқда турсин, ҳатто шубҳаланишни ҳам узига эп кўрмайдиган мард, меҳнаткаш халқни таҳқирлаш асли кимга хос? Афсуски, андишанинг отини қўрқоқ санагувчи баъзи одамлар учун тубанликнингда туби йўқ экан...

Лекин юртбошимиз бошқараётган сиёсатимиз ва амалдаги қонунларимиз халқни ҳурмат қилмасликка асло йўл қўймаслиги бизга руҳий мадад бўлиб қолаверади.

Муяссар ИСМОИЛОВА,
ўқитувчи

Yangilik

ЮНЕСКОНИНГ НАЗАРИ ТУШДИ

Хабарингиз борки, ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши Тошкентда бўлиб ўтди. Унда Республикамиз Президенти И. Каримов нутқ сўзлай туриб, шундай деди: «Мен умуминсоний қадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигини ўзаро уйғунлашувида деб биламан». Зеро, мазкур сессиянинг «жаҳон маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти» мавзуида ўтказилишида муҳим рамзий маъно бор. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан янги минг йилликнинг биринчи йили – 2000 йилнинг «Халқаро Тинчлик маданияти йили» деб эълон қилинди.

Халқаро ташкилотнинг нуфузли йиғилиши бизга нима берди?

Пойтахтимиздаги икки даргоҳ Тошкент Давлат Дорилфунуни ҳамда Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатияси университетида ЮНЕСКО ташаббуси билан янги йўналишдаги кафедралар очилди.

Мухбиримиз билан суҳбатда ТошДУ физика факультети декани, физика-математика фанлари номзоди, доцент Аъзам Раҳматов:

(Давоми 3-бетда)

Mulohaza, taklif

ОДАМ БЎЛСАНГ ОДМИ БЎЛ

Жамиятимиз тараққиётича халқит бераётган, халқни юксак маънавият руҳида тарбиялашга путур етказаётган қар қандай иллату бидъатларга барҳам бериш долзаб вазифадир. Охирги вақтларда тўқликка шўхлик қилаётган айрим мансабдор шахслар босартусарини билмай, мансабларини суъистеъмол қилиб, дабдабозликка, шуҳратпарастликка ружу қўймоқдалар. Оқибатда халқнинг асрий урф-одатлари, анъаналарига доғ туширмоқдалар.

Бундай кимсалардан бирининг жирканч қиёфаси юртбошимиз Ислом Каримовнинг «М.Я. Қуроловни Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида»ги Фармонида яққол кўрсатиб берилган. Очиғи, Қуроловга ўхшаган кимсалар сиёсатимиздаги асосий масалалардан бири. Мамлакатимизда мулкдорлар синфини яратиш лозимлигини ўзларига мослаштириб, қинғир ниятларида иш тутмоқчи буладилар, ўзларича, биз мулкдорлар синфининг намояндалари бўлиб етишмоқчимиз, деб фараз қиладилар. Шу илинжда маблағимизни хоҳлаган ишга сарфлашимиз мумкин, бу бизнинг шахсий ишимиз, деб ўйлайдилар.

Хўш, улар маблағни оддий меҳнаткашларга ўхшаб пешона тери тўкиб ёки зиёлилардай нина билан қудуқ қазиб топганларми ёки халқни алдаб, порадан «топганларми?» Аминмизки, ҳалол меҳнатига турмуш юритадиганлар пулни ўйлаб сарфлашади. Пора ёки юлғичлик йўлига кирганлар эса маблағни бемалол сохта обрў, ўзларини кўз-кўз қилиш халойиқ олдида ўзларининг «сахий»ликларини намойиш этиш учун совурадилар.

Баъзан тўйларда бўлиш, хотира, маърака ва маросимларда қатнашишга тўғри келади. Кўпчилик маросимларни камтарона ўтказишса, айримларини кўриб ёқамни ушлаб қоламан. Қизини турмушга бераётган бир кишининг тўйидаги дабдабаю асъасадан лол қолдим. Беш юздан ортиқ меҳмон таклиф қилинган, дастурхонда «анқо»нинг уруғидан бошқа ҳамма нарса муҳайё: қизилу қора икра, қўзиқорин, банан, ананас ва ҳоказолар.

(Давоми 3-бетда)

АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

(Боши 1-бетда)

Албатта, бу ўтиришларда сўз давлат, халқ манфаатлари, одамлар дарди ва эътирозлари тўғрисида эмас, ўзаро гуруҳлашув, раҳбарлик лавозимларига яна қариндош-уруғлар, ўзларига содиқ одамларни тайинлаш, уларнинг қонунсиз ҳаракатларини яшириб боришни ташкил этиш, ўзларининг нопок ниятларини амалга оширилиши ҳақида кетган.

Бундай ҳаракатларнинг оқибати нима билан тугашини А.Мардиев билмаган деб ўйлайсизми?

Табиий равишда бундай аҳволнинг томири-негизи қаерда, деган савол туғилади. Авваламбор, бундай ҳолларнинг замини-томири эскидан қолган салбий, суяк-суягимизга сингиб кетган одат ва асоратларда бўлиши керак. Қоларверса, яна бир сабаби - янги қабул қилинаётган қонун ва фармонлар, демократия ва адолат талабларини менсимасликда, бугунги ҳаётимиздаги ўзгаришларни ҳис этмасликда, камситишдадир.

Аниқроқ айтсак, бугун бошимиздан кечираётган ўтиш даврини эски тузумнинг носоғлом оқибат-таъсири ҳамда янги тизим, янги замон талабига жавоб берадиган ёш кадрларнинг ҳал қилувчи лавозимларга жуда катта қийинчилик билан келиши мураккаблаштирмоқда.

Минг афсуски, айрим ҳолатларда раҳбарнинг ваколати қанча оширилса, шунча кўп худбинлик касалига учрайди, очкўзлик гирдобига, таъмагирлик комига тушади. Худди дуо кетгандай. Лавозим, вазифа ҳақида гап кетганда, каттамикичикми, тасдиқланиш олдидан текшириб чиқилади, олдинги фаолияти ўрганилади - дуппа-дуруст одам. Соғлом, меҳнаткаш оилада тарбия олган, билими ҳам етарли, ҳаракати ҳам бор. Зиммасига олаётган масъулияти ҳақида гапиради, катта-катта ваъдалар беради. Унинг гапларини эшитиб, эртага масжидга имомликка тавсия қилса ҳам бўлади.

Лавозимга ўтиргандан кейин эса кўпи билан бир-икки йил ишлайди, сўнг мутлақо ўзгариб кетади. Ишни атрофдаги одамларни ўзгартиришдан бошлайди.

Биринчи галда савдо ва хизмат соҳаси ходимларини ўзгартиради. Мисол учун бозоркомни алмаштиради, эвазига «кўк»идан олади. «Кўк»ини бермаса иш битмайди. Биргина Самарқанднинг энг катта «Сиёб» бозорида неча марта бозорком алмашди.

Иккинчи галда маъмурий органларнинг катта-кичик раҳбарлари ўзгартирилади. Ички ишлар, прокуратура, адлия, суд, божхона, солиқ ва бошқалар. Бундай жойларга ўзининг «шоввоз»ларини ўтказади. Тегишли идораларнинг Тошкентдаги раҳбарлари билан тил бириктиради.

Учинчи навбатда ўзидан олдин ишлаган одамни қоралашга, қилган ишларини йўққа чиқаришга, шунинг ҳисобидан осон йўл билан обрў топишга ҳаракат қилади.

Иш бошлаши билан унинг атрофини ошна-оғайнилари, таниш-билишлари, қариндош, уруғ-аймоқ вакиллари, қисқа қилиб айтганда, ака-укалар, амакиваччалар, аммаваччаю холаваччалар ўраб олади. Ўзи отасининг исмида бўлса, укаси бобосининг исмида бўлади. Бу майнавозчилик, устамонлик билан одамларга ўзларини гўёки бир-бирига бегона қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Маҳаллийчилик шу даражага бориб етадики, соғлом фикрловчи одам уларнинг найранглари олдида ожиз қолади. Ақл бовар қилмайдиган қиликларни тезда англолмайди. Раҳбар худди бир нарсадан кеч қолаётгандай ўзининг ҳам, ҳамтовоқларининг ҳам ҳамёнини тўлдиришга интилади. Бунақа одамларда на инсоф, на ирода ва на имон бор.

Улар ўзларини ҳимоя қилиш учун бошпана изларшади, Тошкентда ўтирганларнинг пинжига киришади. Шунақа пайтда табиий савол туғилади. Унга ишонган, тақдирини унга боғлаган одамларнинг орзу-умидлари қаерда қолиб кетди? Улар кимга ишонсин, кимга эргашсин?

Ҳаёт фалсафасидан ва тажрибасидан айтиш мумкинки, ким мўмай даромад, нопок йўл билан бойлик топса, у ҳамиша халқ нафратига учрайди. Ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига эмас, ўғрилик, таъмагирлик ва порахўрлик билан топган маблағи ҳеч қачон татимайди. Жамиятга, элюртга наф келтирмайди.

Ахир, лавозим кишига кибру ҳаво, бойлик тўплаш ва кайфу сафо учун берилмайди-ку! Аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун-роҳат фароғатидан кечишни, керак бўлиб қолганда ўзидан кечишни талаб қилади. Бундай қараш одатга айланиши, ҳаётимизга сингиб кетиши керак.

Халқимизда «қилмишқидирмиш» деган мақол бор. Яна «қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади» дейишади. Шундай экан, қинғир ишни эл-юрт назаридан яшириб бўлмайди. Бундай одам бугун бўлмаса, эртага шармандаи шармисор бўлиб, шунча йил ишлаб, меҳнат қилиб топган обрў-эътиборини бир кунда йўқотиб қўйиши мумкин.

Энг оғири - нафақат эл-юрт, балки ўзининг қариндошлари, таниш-билишлари олдида исондга қолади. Ўз фарзандлари олдида бошини кўтара олмасдан юришдан ортиқроқ азоб-уқубат бормикан?

Президент ҳаммани ўйлантирадиган саволларни ўртага қўйди: нима учун мана шундай аччиқ ҳақиқатни баъзан тан олмаймиз? Ҳаёт тажрибасини тарих мисолида кўра-била туриб шундан қайтмаймиз. Нафс балоси шунчалик кучлими? Мен ўйлайманки, ҳар қандай соғлом инсон бу саволни ўзига бериб, ўзи жавоб топиши керак. Эл-юрт нафратидан, охиратдан қўрқиш, ҳаётда ўзининг ўрнини йўқотмаслик хар қандай кишининг бурчи эмасми?!

А.Мардиев ҳақида гап борар экан, дея давом этди йўлбошчимиз, авваламбор, уни бугунги аччиқ кунга олиб келган сабаблар - иродаси бақувват бўлмагани, нафс, айшу-ишрат балосидан халос бўлишга кучи етмагани ва энг муҳими - унинг қариндош-уруғлари, таниш-оғайниларининг таъсиридан чиқолмаслиги, охир-оқибатда инсофини йўқотгани, деб биламан.

Ҳаёт тажрибаси шуни тасдиқлайдики, раҳбар айшу ишратга берилиб, ўзининг талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарлик бурчини унутиб қўйганида, қонунга риоя қилиш, тартиб-интизом масалалари қолипидан чиқиб кетиши табиийдир.

Бизнингча, вилоятда жиноятчилик, айниқса, унинг ўсган, ўта хавфли турларига қарши курашнинг аҳволи бугун қўйилаётган талабларга жавоб бермаётганига сабаб ҳам ана шунда.

Биринчи раҳбар тайинланган пайтда вилоятда қонун устуворлиги таъминланишига ҳеч кимда шубҳа йўқ эди. А.Мардиевнинг мутахассислиги - ҳуқуқшунос. Прокуратура, суд, адлия соҳаларида катта лавозимларда кўп йил ишлаган. Кўпчилик бу одам маъмурий органларнинг бошини қовуштириб, нуқсонларни бартараф этади, деб ишонган эди. Бугун эса, вилоят бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўта оғир жиноятлар сони 24,5 фоизга, зўрлаб номусга тегиш жиноятлари 2О, фирибгарлик 75, безорилик 49, босқинчилик жиноятлари эса 52 фоизга ўсганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўта оғир жиноятларни очиш 23,5 фоизга камайган. Шу тоифадаги жиноятларнинг 15-2О фоизи фош этилмай қолаётгани такрорий жиноятлар содир этилишига шароит яратмоқда.

Бевосита ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳам Самарқанд вилоятида оддий ҳолга айланиб қолган. Ўтган уч йил мобайнида 17О нафардан зиёд ички ишлар идоралари ходими, 3 нафар солиқ, 3 нафар божхона идоралари, бир судья ва бир прокуратура ходими жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг аксарияти мансабини суиистеъмол қилиш, ғаразгўйлик ва таъмагирлик билан боғлиқ жиноятларга қўл урган.

Шу йилнинг 25 августи куни вилоят ички ишлар бошқармаси жиноятларнинг олдини олиш хизмати ходимлари - милиция майорлари Р.Хўжаев ва М.Баҳодировлар ўзаро тил бириктириб, фуқаро В.Халатовадан товламачилик йўли билан пора олаётганларида қўлга тушганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу нима деган гап? Ҳуқуқ посбонларининг ўзи жиноятчи бўлса, халқ дардини кимга айтсин?! Ҳақиқатни, адолатни қаердан изласин?

Яқинда тўй-ҳашамларни, оилавий тантаналарни, маъракa ва маросимларни тартибга солиш, уларни ўтказишда йўл қўйилаётган манманлик, шуҳратпарастлик, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатнинг олдини олиш мақсадида янги Фармон қабул қилинди. Таассуфки, Самарқандда ҳам бундай салбий ҳолатлар кўп. Керак бўлса, ҳар қадамда учрайди. Лекин вилоят, шаҳар, туман раҳбарлари бу борада муросасозликка йўл қўйиб келяпти. Ўзи юқори лавозимларда ўтириб, шу камчиликларга йўл қўйганлар ҳам, кам эмас. Ҳақиқатни гапирсак, бузғунчилик ўзи кўпинча шулардан бошланади.

Мазкур Фармон чиққанидан кейин оёғи ердан узилган, кибр-ҳавога берилган айрим кимсалар ҳушёр тортиши керак, деб ўйлаймиз.

Давлатимиз раҳбари биринчи галда мамлакат миқёсидаги, вилоят, шаҳар, туман даражасидаги идоралар, вазирликлар ва давлат идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини алоҳида огоҳлантирди: барака топкурлар, эл-юртдан ажралманглар, уларнинг кўзига-юзига қарангглар, аҳволидан хабардор бўлиб, инсоф, диёнат чегарасидан чиқманглар. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлиши муқаррар!

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай муҳим ишларда жамоатчилик фикрини қўзғатиши, ҳаётимизнинг турли жиҳатларини таҳлил этиши лозим бўлган вилоят оммавий ахборот воситалари, афсуски, уларга берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаяптилар.

Мамлакатимизда ва вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда уни янада чуқурлаштириш жараёни, вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий воқеалар тўғрисида теран ахборотлар берилмаяпти.

Чоп этилаётган мақолалар, кўпгина кўрсатув ва эшиттиришлар бадиий-сиёсий жиҳатдан саёз. Одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиладиган, муаммо кўтарадиган танқидий чиқишлар кам. Аксинча, телевидениеда кўплаб чет элда ишланган ур-сур, беҳаё видеофильмлар намойиш этилмоқда.

Самарқанд вилояти аҳолиси ҳар йили ўртача 2,2 фоизга, меҳнат ресурслари эса 3 фоизга ўсиб боряпти. Бу кўрсаткич Иштихон, Каттақўрғон, Окдарё туманларида 4-5 фоизга етади. Одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун болалар боғчаси, мактаблар қуриш, янги ишчи ўринлари очиш, дўконларда етарли мол бўлишига эришиш лозим. Тиббий ёрдам, ичимлик сув ва газ таъминотини ташкил этиш зарур. Бу масалаларни ким ўйлайди, ким ҳал қилади?

Уч йил давомида газ таъминоти бор-йўғи 8 фоизга, сув таъминоти эса 4 фоизга ўсганини инобатга олсак, қабул килинган дастур бажарилишига ким кафолат беради? Шу суръатда кетилса, вилоятни газ билан тўлиқ таъминлашга 8 йил, сув билан таъминлашга эса 19 йил керак бўлар экан!

Кейинги уч йилда вилоятнинг Булунғур, Ургут, Каттақўрғон туманларида юқумли касалликлар билан оғриган беморлар сони кўпайган. Вилоят бўйича ҳам бу касалликлар билан хасталаниш ҳоллари республика кўрсаткичидан уч марта кўпдир. Аксарият соғлиқни сақлаш муассасаларининг зарур тиббий жиҳозлар, техника, дори-дармонлар билан таъминланиш даражаси талабга жавоб бермайди.

Мавжуд ўрта мактабларнинг 66 фоизи мослаштирилган, 25 таси эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган. Бугунги кунда вилоятга 1О7 та, бошқача айтганда 32,5 минг ўринли мактаб етишмайди. Мавжуд мактабларнинг асосий қисми бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Бюджет танқислигига қарамасдан, солиқ органларининг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги шу даражага бориб етганки, бозорларда йиғилаётган патта тўловларидан келадиган 97,5 миллион сўм маблағнинг атиги 42,4 фоизи бюджетга тушган, холос.

Солиқ тўловлари бўйича қарзлар барча туман ва шаҳарларда кўпайиб, вилоят бўйича 2 миллиард 13О миллион сўмдан ортиб кетган.

1 октябрь ҳолатига кўра бюджет муассасалари ходимларига 198,2 миллион сўм иш ҳақи тўланмаган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тахминан 2 мартага ортган.

Бундан ташқари 6 ёшгача бўлган болаларга, кам таъминланган оилаларга 132 миллион сўм, 2 ёшгача болаларга қарагани учун ишламайдиган оналарга 184 миллион сўм нафақа ва моддий ёрдам пули тўланмаган.

Дунёда норасида гўдаклар, етим-есирлар ҳақига хиёнат қилишдан оғир гуноҳ бўлмаса керак. Самарқанд шаҳар Боғишамол тумани «Тўпхона» маҳалла қўмитаси раиси З.Мўминова ва шаҳар халқ банки назоратчиси С.Нажмитдинова ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан кам таъминланган оилаларга берилиши лозим бўлган 66О минг сўм маблағни ўзлаштирганлар.

Ҳокимлик, ички ишлар, солиқ, божхона ходимлари қаёққа қарамоқда? Бу жиноятлар учун ким жавоб беради?

Самарқанд минг-минг йиллик шонли тарихга эга, буюк аждодларимизнинг шаън-шавкати билан бу юрт шукуҳи етти иқлимга маълум ва машҳурдир.

Бу қутлуғ заминдан таралган илм-маърифат зиёси бутун инсоният тафаккурини мунаввар этган, десак муболаға бўлмайди. Бунинг тасдиғини куни кеча бўлиб ўтган Имом ал-Бухорий тантаналарида ҳам кўрдик.

Шуни яна бир бор ўйлаб кўрайлик, деди Ислом Каримов, бизнинг бугунги қилаётган ишларимиз, фаолиятимиз юксак маънавият мезонларига нечоғли мос келади? Давлатчилик, эл-улусни бошқаришда адолат, ватан, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш тамойиллари устуворми? Содда қилиб айтганда, халқ турли бўғин раҳбарлари ишидан розими? Афсуски, шу каби кўплаб саволларга ижобий жавоб бериш қийин. Шундай экан, ҳар биримиз фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўрайлик, хато ва камчиликларимизни аниқлаб, керакли сабоқларни чиқарайлик.

...Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эсда қоладиган бирон хайрли иш қилдими? Одамларнинг бошини қовуштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар эта олдими? Назаримизда, ҳар бир раҳбар бу ҳакда доимо ўйлаши, ўзига-ўзи савол бериб кўриши керак.

Халқимизда «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ» деган гап бор. Кимдан боғ қолаяптию, яхши ном, яхши хотира қолаяптию, кимдан доғ, иснод қоляпти, буни одамларнинг ўзи ажратиб олади.

Менинг энг катта ишончим, дея таъкидлади Президент, ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоғдай кўтарилади.

Юқорида тилга олинган камчилик ва нуқсонлардан кўнглим ғаш бўлган пайтларда келгуси авлод, ёшлар, фарзандларимиз ҳақида ўйлайман, деди пировардида давлатимиз раҳбари. Шунда кўнглим ёруғ бўлади, келажакка ишончим мустаҳкамланади. Биз ўз олдимизга қўйган муродмақсадларимизга етиш гарови - мана шуларнинг қўлида. Бугунги учрашувимизда муҳокама этилган масалалар, қабул қилинаётган қарорларга келсак, барчангиз улардан холисона хулоса ва тегишли сабоқ чиқариб оласиз, деб ишонаман.

ЎзА

Taqdimot

ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Қори-Ниёзий номидаги Узбекистон Педагогика Фанлари Илмий-Тадқиқот институтида Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Узбекистон буюк келажак сари» асари тақдимномаси бўлиб ўтди. Институт директори муовини, педагогика фанлари доктори, профессор Д. Шодиев мазкур китоб «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Узбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» каби асарларнинг мантиқий давоми эканлигини таъкидлади.

Институт олимларидан Ж. Раҳимов, П. Мусаев, педагогика фанлар номзоди Й. Абдуллаев, Р. Келдиёров ва бошқалар минбарга чиқишиб, «Узбекистон буюк келажак сари» асари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг бу китобида илгари сурилган ғоялар илмий-назарий асос бўлишини эътироф этдилар.

Фахриддин РЎЗИЕВ, институт аспиранти

ЮНЕСКОНИНГ НАЗАРИ ТУШДИ

(Боши 1-бетда)

— Биз кунига рўй берадиган сиёсий воқеалардан янгилик ахтарамиз. Шуни назарда тутяпманки, кечаги ҳафта Узбекистонга ташриф буюрган ЮНЕСКО Бош Директори Федерико Майорнинг Республикамиз Президенти Ислом Каримовга Абу Али ибн Сино номидаги олтин медални топширишлари бир қадар оламшумул аҳамиятга эга бўлди.

Бу қувончли воқеанинг давоми қандай кечди?

Физика ва астрономия бўйича ЮНЕСКО кафедрасининг факультетимизда ташкил этилишидан чексиз миннатдорлик туйдик. Магистратурага инглиз тилини мукаммал биладиган, дунёқараши кенг талабалардан 6 нафари жалб қилинди. Улар талабаликнинг сўнгги босқичларини ана шу кафедрада давом эттиришади.

ЮНЕСКО талабига мувофиқ, япониялик профессор Накамуро илк машғулотларни бошлаб юборди. Дарслар фақат инглиз тилида ўтилади. Замонавий технологиянинг энг сўнгги намуналари келтирилган. Нархи 15 минг долларлик ўқув технологик жиҳозлар иккита аудиториямизни тўлдирди.

Мақсад нимадан иборат? Узбекистонлик бўлғуси мутахассисларни дунё миқёсидаги таълим янгиликларидан хабардор этиш. Физика, математика, астрономия каби аниқ фанлар бўйича инглиз тилида ишлаб чиқилган дастурларни ўзлаштиришга ёрдам бериш. Мақола, схема, таблицалар талабаларимиз ихтиёрида. Бора-бора «Интернет»га тўғридан-тўғри уланиш имкониятлари очилади. «Электрон почта» хизмати орқали эса дунёнинг ривожланган давлатларидаги олий ўқув юртлари билан боғланиш мумкин.

Гапнинг сирасини айтганда, янги кафедра – янгилик. Унинг йўналиши мазмунга, аниқ мақсадларга тўлиқ. Режалар яна ҳам салмоқли; талабалар сонини кўпайтириш, мукаммал билимга эга бўлган ёшларни «Умид», «Устоз», Улуғбек номидаги жамғармалар ҳисобидан хорижий давлатларга ўқишга жўнатиш. Шуни фахр-ифтихор билан айтиш мумкинки, ЮНЕСКОнинг назарига тушиш, унинг рўйхатларига кириш ўзбекистонлик ёшлар учун омад ва шарафдир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Darak

ВИЛОЯТДА КЕНГАШ

Кеча Самарқанд вилоят халқ таълими ходимларининг кенгайтирилган кенгаши бўлиб ўтди. Уни Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жура Йўлдошев олиб борди. Кенгашда туман халқ таълими бўлими мудирлари, спорт қўмиталари раислари, интернат ва меҳрибонлик уйи раҳбарлари, шаҳар ва туман методика кабинети мудирлари қатнашдилар. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида вилоят халқ таълими бошқармаси олдига қўйилган вазифалар ҳақида гапирилди. Жумладан, болаларни мактабга тайёрлаш, дастурни ҳар бир мактабда татбиқ этилишига оид фикр-мулоҳазаларини билдирди. Халқ таълими бўлимлари, мактаблар қошида таълим стандартлари ишлаб чиқилиши зарурлиги айтиб ўтилди. «Акс-садо» кўрсатувини ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб этиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини билиш муҳимлиги эслатиб ўтилди. Ҳар бир ўқувчининг эркин фикри, мулоҳазаси бўлиши, бунда мактаб асосий ташкилотчи бўлиши кераклиги ҳақида алоҳида гапирилди.

Эшмирза МАҲМУДОВ «Маърифат» мухбири

Fikr

БОЛАНГИЗГА ЭРТАК АЙТИБ БЕРАСИЗМИ?

Ҳаётимиз қанчалар гўзал, фаровон, завқли, қувончли! Аммо, ташвишли залворли юклари оғир. Бунга ким қандай қарайди? Кимдир янги-янги либослар, кўзни қамаштирувчи тақинчоқлар билан ўзини кўз-кўз қилади, «енгил» ҳаётни ўйлаб, «еганинг-ичганинг қолади»-деб, шу аснода иш тутади... Кимдир: «Бизга ҳаёт абадиймас, яхши яшасанг ҳам шу, ёмон яшасанг ҳам шу» — деб ҳаётга лоқайдлик билан қарайди.

Кимдир: — «Инсониятга ҳаёт бир марта берилади, шуни қадрига етиш, шукроналар қилиб яшаш, бир-биримизга меҳр-оқибатли, саховатпешалик, ҳурматли бўлишимиз керак»лигини ўқтиради.

Ким қандай фикр билдирса билдираверсин, лекин инсон фақат ейиш-ичиш учун яшаши керакми?

Баъзан шуларни ўйлаб ўйимга етолмайман. Тўй-ҳашамларда аёллар йиғинларида ёки кексалар суҳбатларида жуда кўп болганман, аммо, «фарзандларингизга эртаклар айтиб берасизми?» ёки улардан «Бугун мактабдан ёки боғчадан қандай шеър ёдлаб келдинг?» — деб сурайсизми?, деган хақли савол берсангиз кўпчиликдан турлича жавоб оласиз. Эртак айтадиган ота ёки оналар ҳаётда жуда кам. Нега? «Билмадим» — дейишади кўпчилик. Ҳамма «тирикчилик ташвиши» баҳонасида катта-кичик бозор расталарида тирбанд. Ҳатто биринчи-иккинчи синф ўқувчилари «кока-кола» дан бўшаган идишларни йиғар ва унга совуқ чой қўйиб бозордагиларга сотар экан.

Бола ҳали ниҳол-ку! Танаси офтобда пишмаган. Кундузи билан «ишлаб» кечқурун оёқ-қўллари оғриб чиқса керак?! Бунга ота-оналар нега йўл қўйишяпти экан-а? Боланинг чарчоғини ёзиши учун «дам» олиши учун ҳеч бўлмаса ёшлигида эшитган эртакларидан айтиб беришса бола ором олади, унда пайдо бўлаётган эзгу ҳис-туйғулар ривожланади.

Эсимда... Илгари бувиларимиз, оналаримиз кечқурунлари уйқуга кетиш олдидан қизиқарли эртаклардан «Учар гилам», «Ёрилтош», «Алпомиш», «Кунтуғмиш» ва бошқа кўплаб /байт/ ҳикоя, халқ оғзаки ижодларидан айтиб беришарди. Биз эртакдаги қаҳрамонлар сингари бўлишига интилардик... Айниқса, бувим айтган ривоятлар, бир умрга қалбларимизда муҳрланиб қолганди...

... Бир бор экан, бир йўқ экан... дейишлари билан уйинқароқ болалар ўз ўрнимизга осонгина ётардик ва эртакнинг сеҳрли оламига ғарқ бўлиб ухлардик. Айниқса, улар томонидан айтилган ҳадиси-шарифлар, яхшилик ва ёмонлик, иффату ҳаёсизликка доир байт-эртакларни жуда мириқиб тинглардик.

Бир куни кечқурун онам-Турсуной пахта чигитлаб туриб Қуръон суралaридан ёд олдилар... сўнгра эртак айтишга бошладилар. Эртак тугагандан кейин кўзларига ёш олдилар. Бизлар қизиқиб сураганимизда онам: « Айнан шу — «Яхшилик ва ёмонлик» эртагини онам — яъни сизларнинг бувингиз айтиб бергандилар, /худо раҳмат қилсин/ эсимга тушиб кетдида,» — дегандилар.

Ё тавба! Бувим айтиб берган эртакни онам айтиб берсалар-а?! «Ёшликдаги эшитган, ўрганган нарса, тошга ўйиб ёзилгандай булади» — дейилгани шу бўлса керак-да!

Дадамларнинг айтишларича, /ҳозирда 90 ёшдалар/ у пайтларда кечқурунлари кўсак чувиб, пахта чигириб, чарх йигириб, туриб ҳам болаларга ҳадислардан, турли эртаклар, халқ оғзаки ижодларидан айтишар, оғир меҳнат бўлса ҳам китоб ўқишдан завқ олишар экан.

Ё бировни ғийбат ёки ҳасад, ёки ёмонлик деган нарсалар эсларига ҳам келмас экан. Бир-бировларига меҳр-муҳаббат, садоқат кучли бўлган. Қайнатилган бир коса шўрва ҳам қўшнисиз ичилмас экан. Замон тақозоси билан ҳозирги ота-оналар қўлларида қопчиқ-халталар билан бозорма-бозор «тирикчилик» ташвишини елкага олиб югурганлари-югурган бўляпти. Аммо, арзимаган пулга китоб сотиб олиб, фарзандларига ўқиб беришга вақт топа олмайдилар.

Йўқ Йўқ! Вақт топа олишлари мумкин, лекин ўзлари ўқимаган бўлсалар-чи?! Нимани ҳам айтишлари мумкин?

«Яхшиям телевизордаги «Оқшом эртаклари» бор-а, бўлмаса болаларнинг: «Эртак айтиб бермайсиз-ми?», «Эртак эшитгим келяпти»,-деган саволларига улар қандай жавоб беришаркин?! Яна болаларимиздан хафа ҳам бўлиб қоламиз.

«Телевизор, видеоларни кўришга кўпроқ қизиқади»,— деб телевизорга «ёпишиб» қолганлигидан шикоят ҳам қиламиз. Нима учун баъзи болалар ўзини ёки укаларини мактабга мажбурлаб олиб борадилар. Улар ёмон баҳо олмаслик учунгина дарсга қатнайдилар. У ҳам «хўжакўрсинга»?! Нима учун?! Нима сабаб? Бунга ҳам жавоб топиш қийинми?! Баъзи оила соҳиби ишдан чарчаб келиши баҳона дарров телевизор муруватини бурайди. Ундаги яхшими, ёмонми, кераклими, керaксизми барибир нима кўрсатув бўлса кўриб ўтиришаверади. Атрофидаги фарзандлари ҳам бепарво лоқайд ҳолда телевизорга тикилиб ўтираверадилар. Бола учун тарбиявий аҳамиятга моликми бу, йўқми фарқи йўқ уларга.

Қишлоқ ва туманларимизда жуда кўплаб маданият ўчоқлари бор. Хусусан, кутубхоналар, уларга кириб, баҳри-дилингиз очилиб кетади. Китоб фондлари ўртачасини олганда 25-30 минг нусхада! Турли бадиий адабиётлар, қани энди уни олиб ўқийдиган одамлар? Ҳеч бўлмаса ойида бир, икки марта кириб китоб варақласа. Талаба-ёшлар, мактаб ўқувчиларини ҳисобга олмасак, болалар тарбияси билан машғул бўлган тарбиячилар ҳам китоб ўқиши учун вақт тополмайдилар.

Ота-оналар, ака-опалари турли ривоят ва асотирларга бой бўлган китобларни олиб ўқишса, болаларига сўзлаб берсалар, албатта, болада китобга бўлган меҳр уйғонади, қолаверса, телевизордаги «турли» кўрсатувларни кўришга эмас, балки, кутубхоналарга чопадиган бўлишади.

Шундай экан, аввало фарзандларимизни қизиқтириш учун ўзимиз маънавиятимизни бойитишимиз, ўқишимиз лозим. Ахир, алломаларимиз айтишган-ку, «ўқитиш учун ўқимоқ керак» деб. Дарҳақиқат, улар ҳам эртак эшитиб, китоб ўқиб ўзлигимизни, маънавиятимизни ҳис қилсинлар. Фарзандларимиз биз орзу қилгандек, ақлан етук, жисмонан соғлом бўлиб ўссинлар.

Тўхтахон РАҲИМОВА, Наманган туманидаги 8-ўрта мактаб тил ва адабиёт фани ўқитувчиси

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Ироқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуроллар бўйича текширувлари борасида Американинг ҳарбий ҳаракат ҳақидаги пўписаларига аҳамият бермаслигини билдирган.

***

Тожикистон ҳукумати мамлакат шимолидаги исёнчилар қаршилигининг сўнгги таянч нуқтасини бостирганини билдирган. Ҳукумат вакилининг айтишича, ҳукумат қучлари билан жанглардан сўнг 200 жангаридан иборат гуруҳ Айний шаҳридан қочиб кетишга муваффақ бўлган. Бу маълумот исёнчилар томонидан тасдиқланмаган.

* * *

Толиблар ҳаракати Қўшма Штатлардан август ойида Шарқий Африкадаги АҚШ элчихоналарини портлатишни режалаштиришда айбланаётган Уссома Бин Ладеннинг ҳақиқатдан ҳам айбдор эканлигини исботлашини талаб қилган.

* * *

Президент Ельцин тўсатдан Қора денгизга ташрифини тўхтатиб, Москва ташқарисидаги уйига қайтиб келган.

Лондон,
«ВВС» ўзбек хизмати.

Dolzarb mavzu

ИНСТИТУТНИНГ МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ

ёхуд шартнома билан ўқиш тажрибалари

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» изчиллик билан ҳаётда ўз аксини топмоқда. Албатта, мустақил давлатнинг келажагини миллий кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий масаланинг ечимини топадиган ёки замонавий ускуна-жиҳозларни бошқара оладиган мутахассисларга эҳтиёж ҳамиша катта. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз ва Президентимизнинг ушбу масалага берган эътиборини янада теранроқ ҳис этиш мумкин.

Бу йилги олий таълим муассасаларига қабул мавсумини таҳлил этадиган бўлсак, янгиликлар ҳам кўзга ташланади. Абитуриентларнинг умумий тартибда тест синовларини топширишлари, энг юқори балл тўплаганлар давлат бюджети ҳисобидан ва ундан кейинги даъвогарлар эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши таълим муассасаларида адолатли муҳитни вужудга келтирди. Баъзан таниш-билиш ёки дўстлар даврасида «Фалончи контракт асосида ўқишга кирибди», «Фалончи контракт маблағини тўлай олмай, ўқишдан четлаштирилибди» деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Хўш, тўлов-контракт усули Тошкент кимё-технология институтида қандай йўлга қўйилмоқда?

Бу маскан собиқ политехника институтининг кимё-технология факультети негизида 1991 йилда ташкил топган. Бу ерда ишлаб чиқариш тармоқлари, илмий муассасалар учун юқори малакали кадрлар тайёрланади. Кимёвий технология ва биотехнология, озиқ-овқат технологияси, атроф-муҳит муҳофазаси ва менежмент мутахассисликлари бўйича талабаларга сабоқ берилади. Профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти, шунингдек, касб-маҳоратлари жуда юксак.

Институтнинг маркетинг хизматлари бўлими Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 48-сонли қарори асосида ташкил этилган. Аввало, «маркетинг» сўзининг луғавий маъноси ҳақида. Маркетинг – бозор иқтисодиётининг муҳим элементи бўлиб, унинг фаолияти қисқа ва узоқ муддатли махсус дастурлар асосида олиб борилади. Қисқача изоҳлаганда, маркетинг товарлар ва хизматлар оқимини сотувчидан истеъмолчи томон йўналтирувчи иқтисодий категориядир.

Институт бўйича жорий ўқув йилидаги тест натижаларига кўра жами 370 нафар талаба ўқишга қабул қилинган бўлса, шундан 185 нафар талаба тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиндилар.

Қабул мавсумининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу йил аввалги йилларга нисбатан абитуриентларнинг тўплаган баллари анча юқори. Фикримизча, абитуриентлар замонадан анчагина ўзиб кетишди. Сирасини айтганда, дастлабки натижалар маркетинг хизматлари бўлимида умумлаштирилиб, махсус режага асосан таҳлил этилмоқда. Бу эса бўлимнинг ўз йўналишини тўғри ташкил этишига имконият яратади.

Бўлим бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент Жавлон Шарипов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

—Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинганларнинг деярли ярмидан кўпроғи контрактда белгиланган ўқитиш харажатларини пул ўтказиш йўли билан бир қанча концерн, уюшма, корхона, ташкилот, шунингдек, турли мулк шаклида фаолият юритувчи фирмалар ҳисобидан тўлашди. Қолган талабалар учун эса ота-оналар ўз оилавий жамғармалари ҳисобидан институтга нақд пул тўладилар. Умуман олганда, жорий ўқув йилининг фақат биринчи ярми учун пул келиб тушди. Бизни шу нарса ташвишлантирадики, агар контракт тузган ташкилот тўлов қобилиятини йўқотса, яъни шартномада кўрсатилган муддатгача ўқитиш харажатларининг қолган 50 фоизини тўлай олмаса, мазкур талаба ўқишдан четлаштирилади. 2 ва ундан юқори курсларда таълим олаётган талабалар учун кўпгина ташкилотлар шартномага хилоф равишда ўз вақтида маблағларни тўлай олмаяптилар. Бунинг ҳам сабаблари кўп. Аввало, уларнинг ҳисоб рақамларида ортиқча маблағнинг йўқлиги, ходимларга маош тўлаш қийинлашаётганлиги, турли солиқларни тўлаш муаммо келтириб чиқараётганини важ қилиб кўрсатишяпти. Айни пайтда ҳомийликни ўз гарданига олган бундай муассасалар талабани ўқишдан четлаштирмасликни ҳам сурайдилар. Янгича иқтисодий муносабатлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор шароитидаги узаро келишувига асосан тузилган контракт шартномаларига қатъий риоя этмаслик, бинобарин, ташкилот раҳбарларининг бепарволиги, бир неча йил таълим олган талабанинг аро йўлда қолиб, чала мулла бўлиб қолишига сабаб бўлишади. Уз оилавий жамғармалари ҳисобидан тўлов маблағини қоплаш истагини билдирган талабаларнинг кейинги таълим олиш жараёнларида моддий томондан имкониятлари етарли бўлмаслиги мумкин. Институтимизда ҳомийлар кенгаши тузилган. Уларга жами 15 та ташкилот уюшган. «Узёгмойтамакисаноат», Узбекистон кимё саноати корхоналари уюшмаси, «Узмевасабзавотузум—холдинг» концерни, «Уздонмаҳсулот» давлат акционерлик компанияси. Улар институтимизга баҳоли қудрат ёрдам беришяпти. Республикамизда жуда кўплаб йирик кимё, озиқ-овқат корхоналари, шунингдек, янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш муассасалари учун юқори малакали кадрлар зарурлигини айрим ташкилот раҳбарлари юрақдан ҳис қилмаяптилар. Ҳар қандай замонавий технологик ускунани ҳам малакасиз ишчига ишонишдан кўра, буюртмага мувофиқ, ишлаб чиқариш шароитларини пухта биладиган мутахассисга топшириш мақбул усул бўлса керак. Очиғини айтганда, биздаги корхона ва ташкилотлар фақат давлат бюджети ҳисобидан тайёрланган малакали мутахассис кадрларни ишга қабул қилишга ўрганиб қолишган.

1999 йил қабул мавсуми учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Тегишли муассасаларда кадрларга бўлган талабни ўрганиш, етишмаётган мутахассислик йўналишлари ёки янги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни тўғри ташкил этиш мақсадида маркетинг тадқиқотлари олиб борилмоқда. Бу йилги тажриба ва хулосалар, албатта, ҳисобга олинади.

Жавлон Шариповнинг қуюнганича бор. Таълим олишнинг тўлов-контракт тизимида учраётган бундай муаммолар бошқа институтлар ҳаёти учун ҳам хосдир. Шу ўринда хориж тажрибасидан бир шингил келтириб ўтишимиз ўринли бўлса керак. Талабаларга молиявий кўмак бериш мақсадида аксарият давлатлар эҳтиёжга биноан берилувчи бевосита қарз ҳамда илмгоҳни тамомлагач қайтариладиган қарзлар мажмуасини ишлаб чиқишган. Масалан, Германияда қарз олишга мутаносиб бўлиш учун талабалар фақат муҳтож бўлибгина қолмай, балки ўқиш ўзлашмаларини ҳам намойиш этишлари керак. Мазкур қарзлар устамасиз бўлиб, 20 йил давомида қайтарилиши керак. Бироқ Германия талабаларининг 30 фоизигина бу мададга сараланиб олинади.

АҚШда эса талабаларнинг уз қарзларини тўламаслиги яхлит режа бўйича йўналтирилади. Узга таъсир чоралари қатори бу режа талаба қарзининг вазиятини даромадларидан олинадиган солиқ билан боғлайди.

Албатта, ривожланган давлатлар тажрибасини бизда ҳам қўллаб қўриш фурсати келиб қолар. Ҳозирча шуниси равшанки, тўлов-контракт тизими биз учун янгилик. Талабанинг ўқиб таълим олиши учун тўланадиган маблағлар таълим тараққиёти учун эканлигини унутмаслигимиз керак. Маблағ топган ўқисин, бу аввало, талабанинг узи ва умумхалқ манфаати учундир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат» мухбири



ҚАНДАЙ САБОҚ ТИНГЛАЯПСАН, ТАЛАБА?
Д.Юсупов олган сурат

O'lkamizni o'rganamiz

МУЗЕЙИМИЗ — МАКТАБИМИЗ КЎРКИ

Ўлкашунослик тўгараги — ўқувчиларни ўзлари яшаб турган ўлкага ва унинг экологияси, табиатига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотиб, ўз қишлоғи, тумани, вилоят, онаюртни унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва уларнинг аҳамияти хусусидаги билимларни ўргатади. Бизнинг мактабимизда ҳам ўлкашунослик тўгараги ташкил этилганига 21 йил тўлди. Ҳозир тўгарагимиз қошидаги музейда қадимги даврда ясалган буюмлардан тортиб, бугунги даврда яратилган уй-рўзғор буюмлари, аёллар тақинчоқлари, танга ва пуллар қўйилган. Қишлоғимиз ғарб томонида иккита ёнма-ён жойлашган тепа бор. Бу тепаликларнинг баландлиги 25 метр. Тепалик устидан узоқ-узоқлардаги ўнлаб қишлоқлар кўриниб туради. Шу сабабли бўлса керак, оммавий сайил кунлари одамлар бу ерга ташриф буюришган. Бахшилар достон, қизиқчилар аския айтиб, полвонлар кураш тушиб одамларга томоша кўрсатганлар.

Қорачекмон қишлоғининг шимолида катта яланглик, лалмикор ерлар бор. Бу адирликлар яқин йилларда текисланди. Тўгарак аъзоларининг диққатини бу текисланган ерлар ўзига тортади. Натижада бу ерларда бизнинг қадимги аждодларимиз яшаганлигини аниқладик. Қадимги тош ва сопол буюмлари қолдиқларини излаб топиш ишларини қизиқиш билан олиб бордик. 3,60 сантиметр чуқурликдан катта тошни топдик. Тошнинг бир томони ўйиб олинган ва жуда силлиқланган. Бундан ташқари яна ўнлаб тош буюмлари борки, булар бизга тарихдан сабоқ беради. Қадимги тош ва сопол буюмларни ўлкашунослик музейимизга келтириб қўйдик. Ушбу буюмлар неолит даврига мансуб экан.

Ўлкашунослик музейининг довруғи аста-секин ёйила бошлади. Самарқанд Давлат Афросиёб археология институтининг директори Талъат Самибоев ва доцент Амриддин Бекмуродовлар музейимиздаги барча буюм ва топилмаларни қизиқиш билан кўздан кечиришди. Олимлар фикрига кўра, синчковлик билан текширилган айрим топилмалар V асрнинг буюмлари экан.

Яраш МАХМАЕВ,
Ургут туманидаги 12-ўрта мактабнинг
олий тоифали тарих фани ўқитувчиси,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Tanishuv

«СИНФДОШ» — СИЗГА ДИЛДОШ

Болалик — ҳайратлар фасли. Ўқувчининг ичига сиғмайдиган гап-сўзлари бисёр. У кимгадир туйғуларини тўкиб солгиси келади. Кимлардир унинг орзу-хаёлларига ошно бўлишини истайди. Дарвоқе, уларнинг майли рўёб топадиган бўлди. Энди «Синфдош» тинглайди, эшитади, фикр билдиради.

«Ёш куч» журнали иловаси сифатида, Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон ёшларининг «Камолот», Узбекистон матбуотни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармалари ҳомийлигида «Синфдош» журнали нашр этила бошлади.

Қўлимизда унинг нишона сони. Яқинда Президентимизни «Тафаккур» журналида чоп этилган «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» сарлавҳали суҳбатида таъкидланган «Куч—билим ва тафаккурда» ақидаси ёшларимиз учун ҳам сабоқ. Журнал ўз дебочасини ушбу суҳбат билан бошлаган.

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев «Синфдош»га оқ йўл тилар экан, журналдан кўп нарсалар кутиб қолажагини, у ўқувчиларнинг энг яқин сирдошига, маслаҳатчисига айланишига умид билдиради.

«Салом синфдошлар». Ушбу рукнда «Синфдош» ўқувчиларни баҳс, мунозарага ундайди, уларни ўйлантираётган, қизиқтираётган, қийнаётган мавзулардан гап очишга таклиф қилади.

Ўқув юртларига тест орқали талабаликка қабул қилиш ўз ижобий самарасини бермоқда. «Синфдош» «Тест сизга маъқулми?» сарлавҳаси билан ўқитувчилар ва ўқувчилар фикрини ҳукмингизга ҳавола этди.

Иқтисодий, маданий юксалишлар билан бирга болалар ҳаётида ҳам янгиликлар истаганча топилади. Компьютер ўйинлари, чет тилларни ўрганишга бўлган интилиш, яна қиз ва ўғил болаларни алоҳида-алоҳида синфларда ўқитиш. Бу иш қандай натижа берди. Унинг ижобий, салбий томонлари нималарда кўринди? Бу ҳақида Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 138-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари сўз юритадилар.

Бундан ташқари «Синфдош» саҳифаларида «Дарсликлар пулли бўлгани яхшими, ёмонми?», «Иқтисод асосларидан тест саволлари», «Шум бола математикаси», Ғаройиб олам», «Мактабда муҳаббат ҳақида гапириш мумкинми?» қаби қизиқарли, баҳсга ундовчи мақола, мактуб, хабарлар ўрин олган.

Алалхусус, «Синфдош»даги ҳар бир жумла, ҳар бир мақола ўқувчининг қалбига, туйғусига, орзу-умидига уйғун. Ниятимиз, бу уйғунлик давомий бўлсин.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

(Боши 1-бетда)

Ўтириб хаёлга чўмиб кетдим. Оддий одам икки-уч йил қозонини сувга ташлаб қўйиб, маошларини йиғиб ҳам бундай туй утказолмайди. Ёнимдаги суҳбатдошимдан сурадим: «Одамлар бунча катта маблағни қаердан топишаркин?» Суҳбатдошим туй эгасининг маоши катта, деди. Мен «Агар ўттиз минг бўлганида ҳам деярли ярмини солиққа ушлаб қолиши керак, қолгани қора қозонни қайнатишга кетадику?», дедим. Суҳбатдошим ўйланиб қолди. Кетмоқчи бўлиб турган эдик, туй эгалари сабр қилинглар, кудаларга тўн кийгизиш бўлади, деб қолди. Руйхат билан ўттизга яқин кишига чопон кийгизилди, охири куёвнинг отаси ва акасига зар чопонлар ёпилди, бошқа совғалар улашилди... Кимощди савдосига ўхшаб, бири-биридан ўзарга туй ва маросимлар ўтказиш кулгили ва ачинарлидир.

Тарихга мурожаат қилсак, халқимиз қадимги урф-одатларини эласак, бундай кимўзарга қилинадиган маросимлар, исрофгарчиликлар ҳамиша қораланиб келинганига гувоҳ бўламиз. Инсоният пайдо бўлибдики, дабдабабозликка, ман-манлигу кибри ҳавога қарши турган, камтарликни улуғлаб келган. Инсофли кишилар ўзига ва ўзгаларга талабчан бўлган. Ўз имкониятлари ва қобилиятларини холислик билан баҳолайдиган, бошқалардан ўзларини устун қўймайдиган, ижобий фазилатини ҳам, нуқсонларини ҳам адолатли таҳлил қила оладиган камтарин шахслар халқ, оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам ардоқланиб келинган.

Халқ: «Камтарга камол, манманга завол» деб бежиз айтмаган. Халқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиётида бундай фазилат бебаҳо бойлик экани, унга эга бўлганлар эл-юрт олдида катта обрўга эришганликлари ҳаётий далиллар воситасида кўрсатилган.

Камтар бўлсанг, сен гавҳарсан,
Қиш эмассан, навбаҳорсан.

Бадиий асарларда меҳри дарё, бағри кенг, оламни мунаввар қилувчи, ширинсўзлик, хушмуомалали, оддий кишилар кўкларга кўтариб мадҳ этилган:

ОДАМ БЎЛСАНГ ОДМИ БЎЛ

Камтар одам мисли қуёш,
Меҳридан эрир ҳатто тош.

Камтарликнинг зидди бўлган манманликка ҳам жуда муносиб таърифлар берилган. Халқнинг дилидаги фикр, ният табиий равишда адабиётга кучиб ўтган. Маълумки манманлик, ўзига бино қўйиш, ўзини бекаму кўст қилиб кўрсатиш кишини жарликка судрайди, бадномликка олиб боради.

Кибр-ҳавога берилиш касалига мубтало бўлган, маънавий қашшоқлик ботқоғига ботган кимсаларга нисбатан халқимиз: «Одам эрсанг одми бўл» деб бежиз айтмаган.

Адиблар ва файласуфлар камтарлик ва оддийлик баркамолликнинг бош мезони эканлигини, фаолиятда, юмушда, турмушда камтарликнинг намоён бўлиши бу чинакам ғўзаллик намунаси саналишини, яхшиликнинг кучи камтарлик билан улчанишини айтиб ўтишган. Ғарбнинг улуғ мутафаккири Ф. Бэкон бу инсоний фазилатни жуда ажойиб таърифлаб берган:

«Аъзойи бадан учун ҳаёт қанчалик зарур бўлса, кўнгилга камсуқумлик-камтарлик ҳам шунчалик зарурдир». Айни пайтда манманлик, шуҳратпарастликка мубтало кимсалар ҳам ҳеч қачон адиблар назаридан четда қолмаган, улар ҳажв тиғига олинган, жамоатчиликнинг қаҳр-ғазабига дучор этилган. Мисол учун, машҳур олим ва драматургимиз Иззат Султоннинг «Имон» пьесасидаги бош қаҳрамон Комиловнинг сўзлари характерли: «Агар хонадонимга бойлик келиб, имон кетадиган бўлса, итдай қувиб солар эдим бундай бойликни».

Ҳа, имонсиз, манмансираган одам ёвдан ёмондир. Агарда ёв фақат ўз рақибига ёмонлик қилса, кибри ҳаволи кимса душманини ҳам дўстини ҳам аямайди. Бундай одамнинг халққа, жамиятга зарари кўпроқдир. Шу сабабдан ҳам ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг туй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказиш ҳақидаги Фармони жуда ҳам ўринли бўлди. Мен халқ қатори бу ажойиб Фармонни чексиз қувонч билан кутиб олдим. Зеро, юқорида айтиб ўтганимдай, дабдабабозлик, исрофгарчилик билан ўтказилган тўйларни, маросимларни кўриб, ташвишга тушар эдим. Чунки биз ҳам невараларни уйлантиришимиз, турмушга узатишимиз лозим. Мазкур Фармон биз каби минглаб ҳалол меҳнати эвазига кун кўрувчи инсонларни хижолатдан қутқаради, кўкрагини кўтаради. Фармон сирти ялтироқ, ичи қалтироқ «бойваччалар»нинг танобини тортиб қўйишга, оддий халқ оммасининг руҳини кўтаришга ғоят катта хизмат қилиши шубҳасиздир. Юртбошимизнинг Фармони ҳар бир фуқаронинг қалбига муҳрланиши аниқ, шунга қараб амалий ишларимизни, турли тадбирларимизни ўтказишимиз даркор. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига вақтинчалик ҳол деб эмас, балки бизга доимий ҳамроҳ буладиган ҳужжат, деб қарасак адолатли иш қилган бўламиз. Бу ҳаётий ҳужжатни фақат туй ва маъракаларга таллуқли, деб тор қарамаслигимиз керак. У маънавий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий жиҳатларнинг ҳаммасини қамраб олади ва бизга одобномадан сабоқ беради.

Шу муносабат билан кўнглимда кечган баъзи мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтсам. Тўйлар ёки марҳумларни хотирлаш билан боғлиқ ош беришларни тартибга солиб олсак ёмон бўлмас эди. Кўпинча ошлар наҳорда тортилади, юзлаб, гоҳида минглаб одамлар таклиф қилинади. Биринчидан, бундай тадбирлар камхарж қилиниб, фақат қариндош-уруғ, яқин дўстлар даврасида ўтказилса. Иккинчидан, марҳумнинг еттиси, йигирмаси, қирқи, ҳайитлари, йили кабиларнинг айримлари қисқартирилса мақсадга мувофиқ буларди. Ислом мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳам бизнинг тадбирларимиз ҳаддан ташқари кўплигидан ҳайрон бўлишади. Уларнинг мамлакатида бундай маросимлар деярли чекланганини айтадилар.

Учинчидан, ош тортиш маросимларини эрта наҳорда эмас, соат саккизларда ёки тушликда ўтказилса, мақсадга мувофиқ буларди. Наҳордаги ошга етиб боришнинг қийинчиликларини айтиб ўтирмасак ҳам булади.

Тўртинчидан, азонда тадбир ўтказадиганлар, тўйбошилар овоз кучайтиргични варанглатиб, карнай-сурнай, қўшиқлар шовқинини етти маҳаллага етказиб, дам олаётган аҳолининг оромини бузишларига эҳтиёж бормикан? Мусиқа овози тўйга келувчиларгагина эшитилса кифоя эмасми?

Айрим амримаъруфларда домлалар ножўя тарғиботларга ҳам йўл қўйишмоқда. Бундай тарғиботларга чек қўйилса, айни муддао бўлар эди. Чунки динни мажбур қилиб ўтказиш гуноҳи азим эканлиги, ҳар ким ўз ихтиёри билан иш тутиши лозимлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Шуларни назарга олсак, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг юқорида тилга олинган Фармонининг аҳамияти ва қиммати янада ошади. Бу Фармон бизга дастурил-амал бўлиб қолади.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Himmat

КИТОБНИНГ САХОВАТЛИ САНАМИ

«... Китобликлар марҳум Нарзулла ака Очиловнинг номини ўзига хос ҳурмат билан эслашади. Жойлари жаннатда бўлсин. У киши серсаховат, халқпарвар одам эдилар... Нарзулла ака бу ёруғ дунёдан менимча, маҳалла-кўй, халқ ташвишларини орқалаб яшаб утдилар... Қаранг, узларининг роппа-роса ун бир нафар фарзандлари камлик қилгандай, яна 18 нафар етим боланинг бошини силаб, уларни уйли-жойли қилгандилар...

Фарзандлари ҳам ота изини босиб бораётир. Қизларидан бири Каромат Очилова 3 нафар етим болани асраб, тарбиялаяпти. Яна бир қизлари Санам Очилова бизнинг «Меҳрибонлик уйи»мизга кўп ёрдам кўрсатиб келаяпти. Мана 3 йилдирки, Санамхон ҳар байраму, ҳар бир анъанада болаларимизга ёппасига нимадир совға қилади... Жорий ўқув йилимиз бошида ҳам Санам Очилова «Меҳрибонлик уйи»мизда тарбияланаётган 50 нафар қиз, 56 нафар ўғил, ҳаммаси бўлиб 106 нафар болага ўқувчилар кийими, пайпоқ ва оёқ кийимларини совға қилдилар...

Ҳа, Санам опа саховатли аёл... Сиз у киши билан бир суҳбатлашсангиз бўларди...» Китоб туманидаги «Меҳрибонлик уйи» директори Шоҳиста опа Қодированинг Санам опа ҳақида айтиб берганларига бир ишонар, бир ишонмас бўлдим.

Хуллас, Китоб шаҳридаги «Фанон» савдо фирмаси раҳбари Санам опа Очиловани топиб суҳбатлашдим:

— Санам опа, сиз «Меҳрибонлик уйи»га қандай боғланиб қолдингиз?

—1996 йилнинг рўза ҳайити куни эди, ушанда. Китоб бозорида 3-4 нафар опа 50 нафарга яқин катта-кичик қизларни бозор айлантириб юришган экан. Ҳамманинг кўзи шуларда. Сотувчи хотинларнинг гапларини эшитиб қолдим: «Шўрлилар, етим қизлар экан». Алла нечук бўлиб кетдим... Кўз ўнгимда раҳматли отам уйимизга олиб келган етим болалар бир-бир гавдаланди. Онамнинг «Етимнинг кўнгли ярим бўлади, қаттиқ гапирманглар» деган пандлари нақд қулоқларим остидан эшитилгандай бўлди...

Халқимиз ўта саховатли. Қаранг, харидорга олма-ю узумидан ҳатто, бир сўм ўтмайдиган «инжиқ олибсотарлар» ҳам етим қизлар қулига ўз мева-чеваларидан тутқазишар, улар эса бошларини қўйи солганча, оларини ҳам, олмаслигини ҳам билмай «опа»ларига қарашарди. «Опа»лари «Ол!» демагунча улар ўзгалар қўлидан бирор нарса олишмасди...

Секин бориб, «опа»лар билан суҳбатлашдим, қизлар билан сурашдим. «Опа»ларининг розилиги билан қизларни шу ердаги ошхонага олиб кириб, кабобу нон-чой билан зиёфат қилдим. Улар ийманиб-ийманиб, раҳмат айтиб кетишди. Ишонинг, уша куни бозордан уйгача йиғлаб келдим...

Орадан 2-3 кун ўтиб «Меҳрибонлик уйи»га бордим. У ердаги болалар билан танишдим. Бир неча болага оёқ кийими лозимлигини англадим. Эртаси куни ҳамма болага бир сидра оёқ кийими олиб бориб бердим. Шу бўлди-ю, «Меҳрибонлик уйи»га бориб-келадиган бўлиб қолдим. Ҳозирги кунда бу ердаги ҳамма бола мени танийди, мен ҳам уларни беш бармоғимдек биламан...

— Санам опа, сизга раҳмат! Мени қечирингу, қанчалик қийин бўлсада, сиздан бир нарсани сўрамоқчиман. Хайр-саховат ҳеч бир вақт пул билан ўлчанмайди. Бироқ, ҳамма жойдаям «ҳисоб-китоб» деган нарса бор-да. Майли, олдингиларини қўяйлик-да, энг сўнггиси, шу ўқув йили бошида «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган 106 нафар болага ўқувчилар кийими, оёқ кийимлари тортиқ килишгиз учун қанча маблағ сарфладингиз?

—Фирмамиз савдо-сотиқ билан шуғулланади. Юғуриб-елиб пул топамиз. Ишонаверинг, «гирром»лик билан эмас, ҳақиқий ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан пул топамиз. Жамоамиз аъзолари менинг ташаббусимни қўллаб-қувватлашиб, орттирган маблағларидан «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болаларга ёрдам кўрсатиб туришга аҳд қилишган. Энди саволингизга келсак, «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болалар учун кўрсатаётган ҳар бир ёрдамим учун қанча маблағ кетганлигини ҳеч кимга айтмасликка ўзимга ўзим сўз берганман. Кечиринг, буни айтаолмайман!

— Санам опа, майли буни айтмасангиз ҳам, оилангиз, яшашингиз ва келгуси режаларингиз ҳақида айтинг.

— Нима десам экан. Ёшим қирқда. Оиламан. Турмуш ўртоғим ҳам ўзим билан бирга ишлайди. Яхши, саховатли инсон. 5 нафар фарзандимиз бор. Уларнинг 2 нафари ўғил, 3 нафари қиз. Ортиқча бойлигу дабдабани ёқтирмаймиз. Эл қатори худога шукр қилиб яшаяпмиз. Биласизми, менга юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак!» деган ибратлари жуда-жуда ёқади. Баъзан ижтимоий етишмовчиликдан қийналиб турган бирор одамга дуч келиб қоламан. Албатта, савоб учун қурбим етганча ёрдам кўрсатаман. Келгуси режаларимизга келсам, айни кунда фирмамиз ишларини қайта кўриб чиқаяпмиз, савдо дўконларимизни кўпайтираяпмиз...

Маблағларим қанча кўп бўлса, хайр-саховат борасидаги ишларимни ҳам шунча кенгайтирмоқчиман. Ахир, бу дунёдан ким ҳам молу-давлатини орқалаб кетибди?

Абдували ОБИДДИН суҳбатлашди

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ

Испанияда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган ўзбекистонлик шахматчи Иброҳим Ҳамроқулов жаҳон чемпиони бўлди.

— Испаниядаги ҳозирги жаҳон чемпионатида 90 мамлакатдан 1000 нафарга яқин энг кучли шахматчи иштирок этди, — дейди делегация раҳбари Роман Ким. — Унда республикамиздан 8 нафар йигит-қиз қатнашди.

Бундай рақобатга дош бериш учун шахматчи юксак маҳоратдан ташқари, халқаро мусобақаларда иштирок этишда катта тажрибага ҳам эга бўлиши керак. Самарқанддаги бутун Ўзбекистонга машҳур бўлган Ҳамроқуловларнинг шахматчилар оиласида вояга етган Иброҳим Ҳамроқуловнинг турнирда ғолиб чиқиши учун ҳамма имконият мавжуд эди. У республика чемпиони унвонини бир неча марта қўлга киритган, Ўзбекистон олий лигасида шахматчилар билан беллашишда тажриба ортирган, бу йил Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 1-2-ўринларни бўлишиб олган.

Иброҳим энг кўп сонли кичик гуруҳда беллашиб, ўз имкониятларидан тўла фойдаланди. 95 мамлакатдан 110 нафар кучли шахматчи иштирок этган бу кичик гуруҳда у 8 та ўйинни ғалаба билан якунлаб, икки ўйинни ютқазди ва бир ўйинда дуранг натижага эришди.

Ғалаба бежиз олтин медаль билан баҳоланмайди. Спортчи бу ғалабага эришиш учун қийин йўлни босиб ўтади. Россиялик Сергей Григорянц каби жаҳон чемпионларига қарши дона сурган Иброҳимнинг бу катта ғалабаси ҳам осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бир неча бор жаҳон чемпионлари Нана Александрия ва Нона Гаприндашвили Иброҳимнинг ўйинларини кўриб, қойил қолишди.

Бу чемпионатда тошкентлик Лена Лёвушкина ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 11 имкониятдан 7,5 хол тўплади. Лена жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиши учун бир хол етишмади. Турнирда биринчи бор иштирок этган Ольга Сон эса 6 хол тўплади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳол шахматчи қизларимиз келажакда янги-янги ғалабаларни қўлга киритишидан далолат беради.

(ЎзА)

ТАЪЛИМ ВА САНЪАТНИ УЙҒУНЛАШТИРИБ

Тошкент шаҳридаги 214-мактабда ташкил этилган маърифат ва маънавият хонаси замон талабларига мос қилиб жиҳозланган. У ерда урф-одатларимиз, удум, анъана ва қадриятларимизга бағишланган тадбирлар тез-тез ўтказиб келинаётир. Ундан ташқари, илм масканида қизлар клуби, рақс, адабиёт ва драма тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Таълим ва санъатнинг уйғунликда олиб борилиши мактаб ва жамоа обрўси ошишида муҳим омил бўлмоқда.

СУРАТДА:

1.9-синф ўқувчилари Гулнора Қосимова ва Дилбар Муҳаммадаминовалар маърифат ва маънавият хонасида миллий кийимлар намунаси билан танишишяпти.

2.Муаллима Ш. Сойдалова раҳбарлигидаги рақс тўгараги машғулотлари ҳамиша қизиқарли ўтади.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Xullas...

УЧ ҒИЛДИРАКЛИ ВЕЛОСИПЕД

Одатда велосипед икки ғилдиракли бўларди. Митишида яшовчи Колесников(фамилия ҳам шунга яраша) деган кишининг миясига уч ғилдиракли велосипед яратиш фикри келиб қолди.

Колесников яратган велосипеднинг олд ғилдираги руль бошқаради. Уртадагиси воситачи ғилдирак. Охиргиси эса бурилишларга мосланган бўлиб, таянч хусусиятига эга. Велосипеднинг қулайлиги шундаки, унга минган киши отда кетаётгандай, ўзини бемалол, эркин ҳис қилиши мумкин. Ахир унинг учта ғилдираги бор-да... Яна шуниси ҳам борки, велосипед йиғилади.

Колесников ўз ихтиросининг аҳамияти ҳақида шундай дейди, «Бу велосипед одамларга тамоман янгилик, айниқса, болалар учун!»

«БОР ҚАЙИҒИМ, КЕЛ ҚАЙИҒИМ»

Москвада Таманская кўчасига Серебрян ва Троиц- Линов қарағайзорларидан ўтилади. Москва дарёси ана шу кўчанинг ўртасидан оқиб ўтиб, иккига ажратиб қўйган. Дарёнинг кечув қисмида эса кўприк йўқ.

11-13 ёшлардаги болакайлар ҳожатбарорлик қилиб, ажабтовур пул ишлай бошлашди.

Йўловчилар ҳам тайёр. Нархи эса унчалик баланд эмас. Қайиқ эгалари ўз тенгдошлари ва қариялардан арзонроқ «йўл ҳақи» олишади. «Бригадир»лар Антон ва Андрей иккинчи қайиқ сотиб олишни мўлжаллашяпти. Чунки куз ойларида йўловчилар кўпаяди. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг уларга «иш»лари тушмай қўрсин-чи? «Бор қайиғим, кел қайиғим» деб эшкак эшиш эса қийин эмас...

МУШУКЛАР «ШОУ»СИ

Маълумотларга қараганда, Ер юзида мушукнинг 10 мингта тури бор. Москвадаги «Спартак» спорт-мажмуида «Мушукларнинг юбилей шоуси» бўлиб утганлиги инсонларнинг жониворларга кўрсатган эътиборидан нишона. Шоуда 800 та мушук ва мушукчалар иштирок этишди.

Умумжаҳон мушукларни асраб-авайлаш ташкилотининг вице-президенти Наталья Вороненко журналистларга берган интервьюсида шоуга аксарият клуб аъзолари ташриф буюрмаганини афсусланиб таъкидлади.

Панжа, мўйлов, дум, қисқаси, мушук танасининг ҳар бир қисми синчиклаб кўриб чиқилди. Ҳаттоки, уларнинг «пардоз-андоз»ию, туғувчанлиги, ўзини тутиши ҳам четда қолгани йўқ.

Мушукларнинг энг арзони 100 ва энг қиммати 2,5 минг долларгача баҳоланди.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

МАТОНАТЛИ ИНСОН

Велосипедда дунё кезаётган матонатли ватандошимиз Мурод Қосимов икки ойдан сал кўпроқ вақт мабойнида Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон, Арманистон ва Туркия Республикаси шаҳар-қишлоқларида бўлиб, ҳозир Сурия бўйлаб сафарини давом эттирмоқда.

«ПАХТАКОР» ЧЕМПИОН!

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати ўтказила бошланган 1992 йилда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси «Нефтчи» жамоаси билан биргаликда юртимизнинг илк чемпионлари бўлишганди. Шундан кейин ўтказилган биринчиликлардан номдор жамоанинг омади ҳеч чопмай келди.

Ниҳоят, ишончли ўйинлар кўрсатган «Пахтакор» бу йил мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

ОЛТИНДАН КУМУШ САРИ

Ўзбекистон биринчи чемпионатидан бошлаб, чиройли ўйинлар кўрсатган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси қаторасига 4 йил биринчиликнинг олтин медалини қўлга киритганди. Лекин фарғоналик футболчилар ҳарчанд уринишмасин 3 йилдан буён 2 ўриндан ортиғига кучлари етишмаяпти. Бу йил ҳам жамоа кумуш медал билан кифояланишди.

БРОНЗА ЖАМОА

6 ноябрда ўз ниҳоясига етган футбол бўйича 7-миллий чемпионат якунига кўра, Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси бронза медалини қўлга киритди. Бу жамоанинг ўтказилган чемпионатларда қўлга киритган 5-бронзаси бўлди.

ЯШАСИН «КИРОЛ»

Хурмача қилиқлари учун мусобақалардан ҳайдалган афсонавий профессионал боксчи Майк Тайсон Невада штати спорт комиссияси қарорига кўра, яна кечирилди.

Унинг январь ойида немис боксчиси Аксел Шулц билан рингга чиқиши кутиляпти.

Кўнгилнинг дегани ҳамиша тоза. Ўқитувчи шоир Зиёбек (Зиёвуддин Қўзиев) битган изҳорларда ҳам кўнгилнинг кўзгуси акс этган.

Ижодкор ўқитувчи, ўқитувчиликнинг қувонч ва машаққатлари билан бирга ижодкорликнинг залворли юкини ҳам кўтариб юрибди. Унинг шеърларида Ватанга муҳаббат, ёр соғинчи билан бирга илм олишга даъват, муҳаббатнинг илм каби машаққати хусусида сўз боради.

МУҲАББАТ ҲАМ ИЛМДЕК, УЛ МАШАҚҚАТ ИЧРА ҲОСИЛДУР

КЕЛДИ

Бу қандай бахтки, ёр юз кўрсатиб мисли Зуҳал келди,
Ўтиб Фарҳоду Мажнунлар биза севмоққа гал келди.

Амал қилмоққа тушдик расмини аҳли салафларнинг,
Қочиб қайга қутулгаймиз у тақдири азал келди.

Бутун ишқ даҳри осмонин булут қоплаб-да олмиш, ҳеч,
Қутулмоқликка имкон йўқ-ҳалокатли қамал келди.

Жаҳон айвонида ҳар нарсани бордур кушандаси,
Асалдан кетди тот бутгул ўшал лаби асал келди.

Зиёбек, жон фидо қилмас эсанг бахтингга йўл бўлсин,
Ахир, меҳнат, машаққатдин қачон ҳосил аввал келди?

* * *

Нетай, дарди муҳаббатдин бу тик қаддим-да дол ўлди,
Қийинму шунча ёр васлига етмоқлик-савол ўлди.

Муҳаббат ҳам илмдек, ул машаққат ичра ҳосилдур,
Қачон танбал ва ялқовга илм фазлу камол ўлди.

Агар осон эди ҳижронда қовурлмасди булбуллар,
Кўрибдур кимки Қайсга васли дамлар бемалол ўлди?

Ҳаво бўйлаб учар момиқ киби шуҳратда ошиқлар,
Ажабланмоқ нечун бир гап ели элга шамол ўлди.

* * *

Муҳаббат-бу гўзаллар зулфини севмоқ эмас, тақдир,
Яратгандин ҳукм ўлмиш Зиёбек неки ҳол ўлди.

Кел мени сўнгакларимни ушла талқонму керак,
Кел мени кўксимга бош қўй-чиқмаган жонму керак.

Лолазорлар бу дилимдан қирмизи ранг олдилар,
Боқ ана кангулга, гулга, қип-қизил қонму керак.

Дилдаги ғам бир куни титратмаса деб қўрқаман,
Бирки ўт, бирки олов бағримда-вулқону керак.

Мухтасар қилсам дилим шарҳин фалакни куйдирур,
Ёз менинг сўзимнимас, оҳимни-достонму керак.

Эй Зиёбек, ўтди Қайслар, ўтди Фарҳодлар эмди,
Топа олмайсан жаҳонда сенга қалқон-му керак.

ЗИЁБЕК

«ҚОРАҚОШ»

Ҳикоя

Арчазор жилғаларида какликлар оиласи ҳаёт кечиради. Она каклик жўжаларини донлатиб юрибди. Арча шохидан пастга йўналган қирғийни кўрдими, бас, «қирғ!» - дейди, жўжалар буталару тошлар орасига кириб, қотиб туришади. Қирғий учиб кетгач, «қирр!« - деса, улар онаси ёнига келишади. Бир жўжасини қирғий олиб кетгандан бери она каклик жуда сергак бўлиб қолган, ҳатто ётганида ҳам жўжаларини қаноти остига олиб ётадиган одат чиқарди, хавотирланиб, баъзи тунлар мижжа ҳам қоқмайдиган бўлди.

Онаси жўжаларига энг аввал сезгирликни ўргатиши кераклигини англаб етди. Бу - тинч яшаш учун жуда муҳим. Хавфдан йироқ бўлиш мақсадида доим буталар, тошлар орасидан юрадиган бўлишди. Қачонки кўкатда чигиртка учраса она каклик тумшуғи билан тутиб, жўжаларига оширарди. Улар ўзлари ҳам чигиртка тутиб кўрмоқчи бўлишди, тутишолмади, олғирлик етишмади. Бунинг ўрнига етилиб тагига тушган дўланани, ҳар хил шифобахш гиёҳларнинг япроғини чўқиладилар...

Жазирама иссиқ келди. Улар чанқай бошлашди. Она каклик сув ахтариб болаларини ўтлоққа олиб борадиган одат чиқарди. Сувни кўрган тўнғич жўжа биринчи сафар ўзини тутиб туролмади. Булоққа томон ғуғурди. Шу пайт нимадир бўлдию, булоқ устига ниқобланган сават ёпилиб, жўжа сават тагида қолди. Онаси одатдагидек «қирғ!»лади, қолган жўжалар яширишди. Арча тагидан чиқиб келган овчи сават тагига қўл суқди, лекин жўжа усталик билан саватни кўтариб турган тош ёнидан чиқиб қочди.

Куз охирлаб, совуқ тушди. Тоғнинг баланд жойларида муз қотди. Она каклик жўжалари билан тоғ ўнгирига - экинзорга қочиб ўтди. Шудгор қилингану, ҳали музламаган экинзорларни титиб, анча вақт дон топиб едилар...

x xx x

Илк қор тушганда овчи чодир /ўт-ўланлар рангидаги махсус кийим/ кийиб овга чиқди. Она каклик чодирни кўргач, ҳар галгидек: «қирғ!»лади /аввалги қишда чодирдан ўқ чиқиб, боласини ногирон қилганди/. Чипор рангда пар чиқарган паҳмоқ жўжалар тезда яширинишди. Тўнғич жўжа Қорақош рангли чодирга қизиқиб, қоя устига чиқди, янгилик топгандай «шиқ-шиқ»лай бошлади. Овчи унга пистирмадан милтиқ ўнглади. Яхшиямки, ўқ мўлжалга тегмади. Қорақош тўғри келган томонга жон ҳолатда учиб кетди. Ови бароридан келмаган овчи кетгандан сўнг она каклик хавотирланиб Қорақошни йўқлади, баланд овозда «қиқир-қиқир»лади. У узоққа учиб кетган шекилли, эшитмади, тўғрироғи, эшитдию қайтгиси келмади, бўйни ёр бермади.

Баҳор келди. Атроф яшилланди. Ҳайвонларга жон кирди. Какликлар ҳам тўлишиб, кўзга яқин бўлиб қолдилар. Бутун қиш якка ўзи яшаган Қорақош ҳам қайтиб келди. Лекин унда зўравонлик, ҳукмронлик ҳисси пайдо бўлган эди. Бир сафар ўзидан кичик жўжа тутиб олган чигирткани талашиб, уни чўқилади. Она каклик ўртага тушиб уларни муросага келтирди, ажратиб қўйди. Шу-шу Қорақошдан барча ҳайиқадиган, қочадиган бўлди.

Она каклик бир гал болаларини донлашга ўргатиш учун эргаштирганида, юғуриб-елишдан эринган Қорақош иссиқдан ҳансираб анча орқада қолди. Кўзи бир четда ётган ёриқ тухумга тушди. Очиққан эмасми, какликларга хос одат билан ундан истар-истамас татиб кўрди. Лаззат сезди. Оғзининг суви қочди. Чигиртка таъми ҳам бунинг олдида ҳеч эди. Табиийки, бундан кейин тухум ёриб ейишни бошлади. Зурриёдидан айрилаётган она какликлар изтироб чекиб, тухумларни панапана ерларга яширадиган бўлишди.

Какликлар Қорақошдан шубҳаланишмасди, ҳакка, тулки ёки бошқа бир ҳайвондан кўришаётганди. Лекин бир гал тухум босиб ётган она каклик устига бориб қолган Қорақош ўзини фош қилиб қўйди. Аввалига кўз қири билан бир қаради, тухумни кўрди. Ўзини донлаган кўрсатиб ўтиб кетди. Кун оғиб, офтоб тафти бир оз пасайгач, донлаш учун турган она каклик тухумларни қаровсиз қолдирди. Осмондан тушдими, ердан чиқдими, Қорақош тухум ёнида ҳозиру нозир бўлди. Биттасини чўқилаб тешди, еди. Иккинчисини тешиб энди емоқчи бўлиб турган эди ҳамки, она каклик келиб қолди. Шунда кўринг эди томошани! Она каклик ғазаб билан унга ташланди. Бўйнидан тишладию, пастга босди. То ўзи ҳолдан тойиб, ғазаби босилмагунча қаноти билан уриб, оёғи билан тепаверди. Қўйиб юборган заҳоти Қорақош орқа-олдига қарамай қочди. Осонликча енгилмасдию, уялди. Ҳам боласини еб, ҳам онасини уришни ўзига эп кўрмади.

Какликлар Қорақошни хушламай қўйдилар. У яккаланиб қолганига ачиниш ўрнига қоя устига чиқиб, баланд овоз билан «кокибо-кокибо»лаб сайрайдиган бўлди. Бир сафар унинг овозига жавобан яна бир какликнинг залворли товуши эшитилди. Қорақош дарров сергакланиб, овоз эшитилган томонга юрди. Бир жойда икки какликнинг эркин сайраши унга ёқмади. Яқин орада, арчалар орасидан ўша овоз яна эшитилди. Қорақош ўнг томонга хас-хашаклар орасидан ҳеч нарсага эътибор бермай йўрғалади. Йўрғаладию, бўйнидан илинганини сезмай қолди. Қанча уринмасин, тузоқдан чиқолмади. Ҳалиги овоз уни тузоққа чорлаганини жуда кеч англаб етди. Энди тирик қолиш учун панжалари билан халқани бўшатиб олишдан бошқа чора йўқ эди. Лекин «зўравон» каклик буни эполмади, тақдирга тан берди. Арчалар орасидан чиқиб келган овчи какликона овоз берадиган асбобини халтага солиб Қорақошни желадан ажратиб олди, қанот ва оёқларини боғлаб осилтирганча олиб кетди.

Каклик уриштираётганларда одат бор. Улар дуч келган какликни овлашавермайди, балки бошқа каклик овозини ёқтирмайдиган зўрларни тутишади. Овоз чиқарадиган махсус асбоблари ҳам бор. Бу овчи ҳам Қорақошни уриштириш учун тутган эди. Чойхонага олиб чиқиб, чинор шохидаги қафасга солиб қўйди. Бир - икки кун дам берди. Қорақош чинордаги бошқа қафасларга солинган какликлар овозини эшитиб, ўзини тутолмади, «шиқ-шиқ»лади. Чириллаганча қафас айланди, «кокибо»лаб сайради, «чақ-чақ»лади. Унинг бу нағмасини эшитиб қолган какликлар сайрашдан тўхтаб қолишди. Куч синашмасданоқ Қорақошдан енгилишди. Шунда қаердандир оёғига узук тақилган бошқа бир каклик учиб келди-да, Қорақош турган қафас устига қўнди. Ачиниб сайраганича қафас новдаларини тишлаб тортаверди. Қорақош ҳам жим турмади, патларини хурпайтириб, хезланди, аммо қафасдан чиқолмади. Унинг эгаси ҳам етиб келди. Қорақошни тутган овчи унга гап қотди: «Уриштирамизми?». «Ҳа-да», - деб жавоб берди у. Қорақош қафасдан чиқарилди. Жанг бошланди. Какликлар патларини ҳурпайтириб, бўйинларини керганича бир-бирига ташланишди. Одамлар жим. Учиб хезланган рақиби Қорақошнинг бошига бир-икки тепиб, ерга қўнди. Қорақош биринчи зарбданоқ ўзини йўқотиб қўйишига оз қолди. У бундай кучли какликка ҳалигача дуч келмаган эди. Лекин бир оздан сўнг ўзини ўнглаб олди-ю, одатий усулини қўллаш учун рақибининг жиғилдонига ташланди.

Қорақош рақибининг кетидан қувлади, чарчаб қолишни истамади. Душман бир оз яқин келгач, Қорақош унинг кўзини мўлжаллаб, чўқиб-чўқиб олди. Рақиб чап бермоқчи эди, дармони келмагани сабаб, ўзини эполмади, бир кўзидан ажради, нима қилишини билмай, гарангсиб қолди. Рақиби ҳам осонликча бўшашмай жон ҳолатда унга ташланди. Қорақош бор кучини, устамонлигини ишга солиб, чаққонлик билан рақибининг иккинчи кўзини чўқилади. У буткул кўр бўлиб жон ҳолатда «парр!» этиб учдию, боши билан бориб чинор танасига урилди. Патирлаганича ерга қулаб тушди. Бир оздан кейин ўзига келиб, ўрнидан турган эди, гандираклаб бориб шундоққина ёнидаги ҳовузга тушиб кетди. Яхшиямки, қанотлари иш берди, бўлмаса, ҳовузга чўкиб кетган бўларди. Қанотларини қоқиб учиб кетмоқчи бўлди, учолмади. Ҳовузнинг ярмигача патиллаб сузиб келди-да, ҳолдан тойиб, қанотларини ёзганича бўшашиб қолди. Сўнг бир амаллаб ҳовуздан ташқарига чиқди, эгаси эса унга қайтиб қарамади. Кўзларининг ўрни санчиб оғрий бошлаган каклик учишга мадори етмай, йўрғалаганча бедазорга кириб кетди. Изтиробдан у ён - бу ёнга лапанглади. Оғриқ энди ортса ортадики, камаймайди.

Қорақош атрофга мағрур кўз ташлади. Овчи Қорақошни олиб уйига келди. Боши, бўйин патлари юлинган, бир кўзидан ажралган Қорақош оғриқ азобини якка қолганда сеза бошлади. Хўжа минг пойласин, тутқиннинг бир пойлашига тенг келмайди. Қорақош солинган қафаснинг таги ситилган экан. Оёғи билан уни бир оз кенгайтирди-ю, озодликка чиқди. Қутулганига қувониб, шувоқзорга қараб учди. Лекин кейин қаерга боришни билмай қолди. Бедапояга - наслдошлари орасига қайтишга бўйни ёр бермади. Овчи қўлида урушиб яшамоқчийди, бўлмади - омад доим ҳам келавермайди. Шунда у ўйлаб топди - нима қилмоқни англаб етди. Шувоқзордан буткул чиқмасликка аҳд қилди. Тез орада наслдошлари ҳам, зўр жангчига эга бўлдим, деб ўйлаган овчи ҳам Қорақошни унутиб юборишди. Аслида бунга ишонгинг келмайди. Лекин ростдан ҳам эътиборни тортиб турганлар йўқолиб қолишса, жуда тез унутилади. Чунки, бу ҳаёт. Ҳаётда нимагадир эътибор қаратилади. Эътибор қаратиладиган нарса эса тез-тез ўзгариб тургани билан доим топилади.

Саттор МУҲАММАД

Ҳурматли онажонимиз ВАСИЛАХОН!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда омад тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

Фарзандларингиз

БОШҚАРУВ ИЛМИ

Маълумки, қадим замонларда ҳам оламни кезган кўп ажойиб денгизчилар бўлган. Улар денгиз қаҳрга келган энг даҳшатли пайтларда ҳам кемани матонат ва зўр маҳорат билан бошқарганлар. Юнон тилида «Кема» - «Хипер», «Бошқариш» сўзи эса «наутека» дейилади.

Юнонлар кема бошқарувчиларни, яъни дарғаларни ана шу икки сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган «хипернаутека» сўзи билан атаганлар. Бу сўз оғзаки талаффузда бузилиб, «кибернетика»га айланган.

Қадимги юнонлар кишиларни, жамиятни бошқариш маҳоратига нисбатан «Кибернетика» сўзини ишлатишган. Эндиликда бизнинг замонамизга келиб, «кибернетика» қудратли фанга айланди. Бу фаннинг расман шаклланиши америкалик олим Норберт Винернинг 1947-1948 йилларда босилган «Кибернетика ёки тирик организм ва машиналардаги бошқариш ҳамда алоқа» деган китобидан бошланди.

Bilasizmi?

Кибернетика кўпгина таърифга эга. Масалан, «Кибернетика - жонли мавжудодлар ҳамда машиналардаги бошқариш ва алоқа тўғрисидаги фан», «Кибернетика жонли табиатда, кишилик жамиятида ва саноатда рўй берадиган мураккаб жараёнлар ва операцияларни мақсадга мувофиқ тарзда ва энг қулай йўл билан бошқариш ҳақидаги фан» ва ҳоказо

А.Алиев тайёрлади

Тошкент технология техникуми томонидан 1992 йилда Норметов Собиржон номига берилган РТ - 1 381552 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58.

Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0501.
Тиражи 25.000. Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди-20.00.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади